



# ЭҲСОН ДАСТУРХОНИ

Халқимиз хайр-эҳсон қилиб, ажр савобга ноил бўлишни яхши кўради. Зеро, динимиз шунга буюради. “Сиздан (Эй Муҳаммад!) қандай эҳсон қилишни сўрашди. Айттинг: “**Ни-маки хайр-эҳсон қилсангиз, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингиз! Аллоҳ ҳар қандай эҳсонларингизни билиб тургувчидир**” (Бақара, 215).

Ўтаётган йилимизнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилиниши ҳимматли, ўзига тўқ, меҳр-оқибатли юртдошларимизнинг саховатларига саховат кўшди, кўпроқ кимларга хайр-эҳсон қилишга эътиборларини тортди. Шу боис ҳам тез-тез ёрдамга муҳтож, бирон-бир дард билан оғриган, кўнгли ярим кишилар ҳолидан хабар олинаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Шу йилнинг 11 апрел куни пойтахтимизнинг Юнусобод тумани Юнусобод маҳалласи Турсунбой ҳожи ота гузарида “Юнусобод” жомеъ масжиди мутасаддилари ташаббуси билан ногиронларга эҳсон дастурхони ёзилди.

Махсус автобусларда бу ерга иззат-икром билан олиб келинган ногиронлар, мурувватга муҳтож қарияларнинг бу илтифотдан хурсандлигини, хизматда бўлганларни дуо қилганларини кўриш қувончли эди. Ҳеч бир тамасиз қилинган яхшилик ўртада меҳр-оқибатни кучайтиради. Кўнгиллар беғуборлашади. Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар ҳожи Турсунов ногиронлар ҳаққига яхши дуолар қилди, таъсирли ривоятлар билан кўнгилларини кўтарди. Бундай ибратли эҳсон дастурхонлари шаҳару қишлоқларимизда кўпайишини тилади.

Тадбир иштирокчиларидан айримларининг таклиф ва тилаклари билан танишинг.

**Мунаввар АМИНОВА**, республика кар ва соқовлар жамияти тилмочи:

— Бугунги эҳсон дастурхонига кар ва соқовлар жамиятининг саксон нафарга яқин аъзоси келди. Уларнинг чеҳраларига боқиб, жуда ҳам мамнун бўлишганини кўриш мумкин.

**Вера ЕФЕМОВА**, Мирзо Улугбек тумани кўзи ожизлар жамияти раисаси:

— Бу ердаги иззат-икромдан қалбларимиз яйради. “Ижтимоий ҳимоя йили” да ногиронларга эътибор кучайди. Бу жамиятимиз аъзоларининг муаммолари ҳал этилишига умид уйғотади. Шулардан бири бир неча кўзи ожизларнинг уй-жойга, ҳеч бўлмаса, ётоқхонага эга бўлишидир. Эҳтимол, бу борада олийҳиммат ҳамшаҳарларимиз бизга ёрдам қўлини чўзишар...

**Жўра ҲАСАНОВ**, кўзи ожиз болалар мактаб-интернати ўқитувчиси:

— Мактаб-интернатимизда ўқув шароитларини яхшилаш йўлида қилинаётган ишлар мени қувонтиради. Ўзи ногирон бўлса-да, илм олишга қизиқувчан, иқтидорли ёшларнинг орзу-умидларига етишуви учун йўл очилапти.

**Жамила АҲМАДУЛИНА**, ногирон:

— Мен, айниқса, Қуръони карим тиловатини тинглаб, қалбим яйради, ибратландим.

**Раҳматуллоҳ ҳожи МАҲАММАТОВ**, “Юнусобод” жомеи мутаваллийи:

— Назарбекда яшовчи Шаҳобиддин деган тадбиркор

дўстим саккиз йилдан буён ҳар йили дастурхон тузаб, ногиронларни чақиради, уларнинг кўнглини олади. Масжидимиз қавми ва маҳалла аҳли жам бўлиб, шундай бир хайрли ишни ният қилган эдик.

Тумандош тадбиркорлар, ҳомийлар, маҳалла жонкуярлари ёрдамларини аяшмади. Ногиронларни чақириб, қўлимиздан келганча уларга дастурхон ёздик. Қарийб тўрт юз нафар ногиронни едириб-ичириб, дуосини олиб, оиласи ҳам баҳраманд бўлсин деб совға-саломлар билан жўнатдик. Албатта, уларнинг ҳолидан ҳамиша хабар олиб туришимиз керак.

Ривоят қилишларича, Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) саҳобалардан бирига “Сен мусулмон эмассан”, деб уч марта айтидилар. У эса: “Нега бундай дейсиз, ё Расулуллоҳ? Ахир намоз ўқисам, рўза тутсам... Мусулмон бўлишим учун яна нима қилишим керак?” деб ҳайрон бўлади. Расулуллоҳ: “Тўғри, бу амалларни қиласан, аммо фақат ўзингни ўйлайсан”, деб танбеҳ бердилар. Демак, бева-бечора, камбағал, ногиронларнинг кўнглини топиш, уларга саховат кўрсатиш ҳам икки дунё саодатига сабаб бўладиган амаллардан экан.



# НАФСНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲОЛАТИ

Орамизда ота-онасидан ё устозларидан: “Мурувватли бўлгин, болам”, деган насиҳатни эшитмаган киши топилмаса керак. Хўш, мурувват қандай хислат?

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: “Ким инсонлар билан муомалада уларнинг ҳақини поймол қилмаса, ёлғон гапирмаса, ваъдасини бузмаса, у муруввати комил, адолати зоҳир, дўст тутилиши вожиб бўлган инсонлардандир”.

Ҳақимлардан бири айтади: “Ақл сизни фойдали нарсаларга буюрса, мурувват гўзал нарсаларга буюради”.

Мурувватга бундай таъриф берилган: “Мурувват нафснинг гўзал амалларга мойиллик асоси ва қувватидир. Нафсни унинг ҳолатларидан энг яхши ҳолатида сақлаш мурувватдир”.

Ҳақимлар айтадилар:

Мурувватли инсон ифбатли бўлади, шаҳвати ва тилини тияди. Зинога бормайди, тилини ўзининг ва ўзгаларнинг қадр-қийматига тажовуз қилишдан, ёлғондан, уят сўзлардан, гийбатдан, тухматдан ва гап ташишдан асрайди.

Мурувватли инсон ўзгалардан тама қилмайди, кишилар ёмон фикрга бориши мумкин бўлган ўринларга қадам босмайди.

Мурувватли инсон ҳалол касби билан кун кечиради, асло ўзгаларнинг миннатига қолмайди.

Мурувватли инсон муҳтожларга маънавий ва моддий жиҳатдан ёрдам беради, ўзгаларнинг хато ва камчиликларини кечиради, кишилар билан муомалада қўполлик қилмайди, саховатли бўлади.

Ота-оналаримиз ва устозларимиз бизнинг ана шундай комил мурувватли инсонлар бўлишимизни исташади.

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФҲОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Нуриддин ҲОШИМОВ  
Анвар ТУРСУН  
Неъматилла ИБРОҲИМОВ  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Зоҳидилло МУНАВВАРОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Эркин МАЛИК  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН  
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Муқова

«Voris Design» маркази билан  
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадиий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матни

Райҳона ХОЛБЕК қизи  
терди

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.374. 224-34-04  
Раҳбари Уктам ҳожи Умрзоқ  
Фарғона вилояти — 8.373.558-55-10  
Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин  
Сурхондарё вилояти — 8.376. 226-05-08  
Раҳбари Низомиддин Чори

Манзилимиз:

700021 Тошкент шаҳри  
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;  
Тел: 149-18-26, тел.факс: 144-36-53.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтаимиз: [hidoyat\\_jurnali@mail.uz](mailto:hidoyat_jurnali@mail.uz)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2007 йил 23 апрелда рухсат берилди. Босмаҳонага 2007 йил 24 апрелда топширилди. Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Адади 22000 нусха. 67-сон бюуртма. «KOH NUR» МЧЖда босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<i>Ижтимоий ҳимоя йили</i>	
Эҳсон дастурхони .....	1
<i>Таянч нуқта</i>	
Нафсининг энг яхши ҳолати .....	2
<i>Тошкент Ислам маданияти пойтахти</i>	
Зоҳиджон ИСЛОМОВ	
Беназир алломалар юрти .....	4
<i>Ҳадис шарҳи</i>	
Уртача йўлни танлангиз .....	7
<i>УМИ ҳаёти</i>	
Абдурахмон ҒАФУРОВ	
Мавлуд суҳбатлари ва фойдали танловлар ...	8
<i>Масжидларимиз</i>	
Раззоқберди ШАПИЕВ	
“Муҳаммад Мурад Эшон” масжиди .....	9
<i>Тадқиқот</i>	
Шариф ЮСУПОВ	
Зафарнома сақлаб қолинди .....	13
<i>Саҳобалар ҳаёти</i>	
Абу Аййуб Ансорий .....	14
<i>Олисларга саёҳат</i>	
Аҳмад ТУРСУН	
Қатар давлати .....	16
<i>Маълумотхона</i>	
Дунёга машҳур масжидлар .....	21
<i>Дарсхона</i>	
Акмал АВАЗ	
Тиб ҳукмлари .....	22
<i>Анжуман</i>	
Жалолиддин НУРИДДИНОВ	
Қоҳира анжумани .....	23
<i>Шеърят</i>	
Абдунаби БОЙҚҶЗИЕВ	
Татаббуъ .....	24
Рустам ТУРСУНОВ	
Жон нақдини покиза тут .....	24
Абдуқаҳҳор ҚҶЗИЕВ	
Тўртликлар .....	25
Соҳиб ҚАРО	
Саҳарларда .....	25
<i>Матбуотимиз тарихидан</i>	
Қўлдош ПАРДАЕВ	
“Ал-Ислоҳ” ҳақида .....	27
<i>Муносабат</i>	
Абдуқаҳҳор ИБРОҶИМОВ	
Меҳнатдан келса бойлик... ..	28
<i>Митти тадқиқот</i>	
Нуриддин ОДИЛОВ	
Имом Бухорийнинг нодир асари .....	29
<i>Адабиёт</i>	
Эркин МАЛИК	
Фарзандлар эҳсони .....	30
<i>Болалар саҳифаси</i>	
Ҳорун ЯҲЁ	
Куёнчалар сабзини хуш кўради .....	31
<i>Тошкент Ислам маданияти пойтахти</i>	
Хожа Аламбардор мақбараси	
Шайх Зайниддин масжиди ва мақбараси ..	32

## Фикҳ

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

## Савдони бекор қилиш ҳуқуқлари

6

Агар молни сотиб олишга ё кўрмай сотиб олинган молни олиб келишга вакил қилинган киши молни кўриб олса, вакил қилувчида савдони бекор қилиш ҳуқуқи қолмайди.

## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Қория момо

Таслима момонинг ўғли Юнус ишонч билан айтишича, онасининг узоқ умр кўриши сабабларидан бири унинг оз эмас-кўп эмас, эллик йилдан буён ҳар куни Қуръони каримни ихлос билан тиловат қилишидир.

10

## Тошкент Ислам маданияти пойтахти

## XIХ АСР ТОШКЕНТ МАДРАСАЛАРИ

18

Эшонқули додхоҳ мадрасаси 1256 (1838) йили Тошкент ҳокими Лашкар Бегларбегининг ўғли Эшонқули додхоҳ томонидан қурдирилган бўлиб, Юнусхон мадрасасининг жануби-шарқида жойлашган ва Катта кўчага туташ бўлган.

## Хотира куни

Муҳаррам ДОВУДҶОНОВА

## ТАБАРРУК ЖОЙЛАР ИСНИ ТУЙДИМ



Мен “Бароқхон”даги ҳужралардан бирида туғилганман. Ўшанда дадам севинганларидан мени тўғридаги “Тилла Шайх” масжидига кўтариб чиққан ва Эшон Бобохон опоқдода менга исм қўйиб берган эканлар.

26

Тошкент ҳақидаги дастлабки аниқроқ маълумотлар милoddан аввалги иккинчи — милодий бешинчи асрларга мансуб Хитой манбаларида учрайди. Уларда Тошкент вилояти қадимда “Лоюени”, “Юни”, сўнгра “Чжеше”, “Чжечжи”, “Чжеси” ва “Ши” деб номлангани ёзилган. Бу атамалар “Чоч” сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлиб, ҳатто охириги “Ши” топони хитойчада “тош” маъносини аниқлаган. Шунингдек, қадимий “Қанг” (“Қанга” ёки “Қанг-ҳа”) давлати Хитой ёзма манбаларида “Қанг-кия” (“Каннзюй”) номлари билан ҳам тилга олинади. Қадимий тохарлар тилида “қанг” сўзи ҳам “тош” маъносини аниқлаган. Бу давлатнинг



# БЕНАЗИР АЛЛОМАЛАР ЮРТИ

пойтахти Битян шаҳри бўлиб, у Иоша-Хасарт дарёси (Сирдарё) бўйида жойлашган.

Ёзма манбаларда қайд этилишича, Тошкентга Ислом келганидан сўнг араблар уни “Шош” деб юритишган. Илк ўрта асрларда у “Чоч”, “Шош”, “Шошкент”, “Мадинат аш-Шош”, “Бинкат” ва “Таркан” деб номланган.

Тошкент ҳақидаги дастлабки маълумотлар маҳаллий олимлардан Хоразмий ва тарихчи-географлардан Табарий, Истахрий асарларида учрайди. Истахрийнинг “Китобул масалик вал мамалик” (Йўллар ва мамлакатлар тўғрисидаги китоб)ида Шошнинг бош шаҳри Бинкат деб кўрсатилди. Ўнинчи асрда ёзилган “Худудул олам” (“Оламнинг чегаралари”) китобида “Чоч катта

вилоят, халқи жанговар ва сахийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясалади. Бинкат Чочнинг пойтахти ҳисобланади. Бу катта шаҳар айни вақтда подшоҳнинг қароргоҳидир”, деб таърифланади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида Чоч ўзининг “камони Шоший”си (ўқ-ёйлари) билан машҳурлиги ҳақида маълумотлар бор.

Шаҳар “Тошкент” номи билан даставвал XI асрнинг машҳур алломалари Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарийнинг асарларида тилга олинади. Беруний “Ҳиндистон” асарида “Тош” сўзи асли туркча бўлиб, Шош кўринишини олган, “Тошканд тошли қишлоқ демақдир”, деб изоҳлайди. Маҳмуд Қошғарийнинг маълумоти бўйича, Тошкент XI-XII асрларда “Таркан” деб ҳам юритилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”да Тошкент номи устида тўхталиб, “... Тошкент номини Шош, баъзан Чоч ёзадилар”, деб қайд этади. Бироқ XVI аср охири ва XVII аср бошларида “Тошкент” номи шўхрат топиб, унинг қадимий Чоч, Шош ва Бинкат номлари аста-секин муомаладан чиқди. XVIII асрда яшаган тарихчи олим Маҳмуд ибн Валий бундай ёзади: “Шош — Сайхун (Сирдарё)нинг у томонига жойлашган шаҳар ва Туркистон (вилояти)га қарайди. Уни “Чоч” атайдилар. Бироқ ҳозирги вақтда у “Тошкент” номи билан машҳурдир”.

Тошкент воҳасида шаҳар маданияти шаклланиб, шаҳарнинг қад кўтариши шу ўлкада яшаган қадимий чорвадор ва деҳқонларнинг ижтимоий-



иқтисодий ва маданий ҳаётидаги улкан тарихий жараён бўлган. Буюк Ипак йўли қарвонлари қатновининг муҳим нуқталаридан бирида ҳамда Мовароуннахрнинг чегара қисмида жойлашган Шош воҳаси жўғрофий жиҳатдан ҳам кенг имкониятларга эга бўлган. Бу эса воҳада савдо-сотик ва ҳунармандчилик билан бир қаторда илм-фаннинг тараққий этишига хизмат қилган. Ўрта аср манбаларида воҳада тафсир, ҳадис, фикҳ, тилшунослик каби турли илмлар ривож топгани қайд этилади. Жумладан, X-XII асрларда ушбу ҳудудда етмишдан ортиқ олим фаолият кўрсатган.

Ислом маданияти ва илмлари ривожда шошлик олимлар ичида айниқса, “Ҳазрати Имом” деб улуғланган Абу Бакр Қаффол Шоший (904-976), ишончли муҳаддис сифатида танилган Абу Саид Ҳайсам ибн Қулайб Шоший (ваф. 947) ҳамда “Фахрул Ислом”, “Имомул кабир” номларига сазовор Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший (1038—1114)нинг хизматлари катта. Шошлик олимлар ҳаёти, фаолиятига доир маълумотлар кўҳна Тошкент тарихини, Ислом илмлари ва маданиятини ўрганишда ёрдам беради.

Тошкентнинг турли гўшаларидаги зиёратгоҳлар, мақбаралар, қадамжолар, хонақоҳлар, масжид ва мадрасалар Ислом маданиятининг ёрқин намуналари ҳисобланади. Жумладан, Занги ота, Қаффол Шоший, Шайх Хованди Тохур, Хожа Аламбардор, Юнусхон мақбараси, Мўйи Муборак, Бароқхон, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари каби кўплаб Ислом маданияти обидалари шу ерда жойлашган. Шунингдек, Тилла Шайх, Намозгоҳ, Хожа Аҳрор Валий, Шайх Зайниддин номлари билан боғлиқ масжидлар ҳам мавжуд.

Мустақиллик йилларида Тошкентдаги Ислом маданияти обидаларининг аксарияти, жумладан, Кўкалдош, Абулқосим мадрасалари, Хожа Аҳрор Валий, Шайх Зайниддин масжидлари, айниқса, Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мавзеидаги тарихий-маданий ёдгорликлар ўзининг иккинчи ҳаётини бошлади. Улар қайта таъмирланиб, илгаригидай маҳобатли манзара кашф этди.

Тошкент шаҳрида ҳам диний, ҳам дунёвий билим берувчи олий таълим муассасалари — Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ҳамда Тошкент Ислом университетининг жойлашгани шаҳарнинг илмий, диний, маърифий, маданий ҳаётдаги мақомини янада юксалтиради.

Ўтмиш маданий меросимиз дурдоналари — кўлөзма манбаларнинг аксарияти ҳам айнан Тошкент шаҳридаги кўлөзма фондларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Адабиёт музейи, Ўзбе-



кистон мусулмонлари идораси кутубхоналарида жамланган.

Мустақиллик йилларида илмий-диний, диний-маърифий адабиётларнинг чоп этилишига кенг имкониятлар яратилди. Юртимизда Қуръони карим маънолари ва ҳадиси шарифларнинг ўзбек тилидаги нашрлари амалга оширилди. Хуллас, ўн еттига диний конфессия вакиллари эмин-эркин яшаётган юртимиз пойтахти Тошкент том маънода Ислом маданиятининг пойтахти бўлишга лойиқ тинчлик шаҳридир.

#### **Зоҳиджон ИСЛОМОВ,**

*Тошкент Ислом университети Диний тадқиқотлар ва маънавий мерос масалалари бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор*

#### **Тошкентим**

**Алломалар бешиги, қадим, табаррук Шошим,  
Тошкентим, она шаҳрим, қалбим узра қуёшим.**

**Муборак бўлсин сенга олий мақом, пойтахтим,  
Қитъалар кўрки бўлдинг, бағрингда унар бахтим.**

**Ҳазрати Қаффол Шоший макон тутган гўшасан,  
Азизларга эҳтиром, ҳурмат ила жўшасан.**

**Шайх Хованди Тохурнинг мақбараси файзосор,  
Чорсуда улкан жомеъ қурдирган Хожа Аҳрор.**

**“Кўкалдош” чиройингга ярашар инжудайин,  
Қуръон тиловатидан файзи ортар кун сайин.**

**Не-не гўзал масканлар тиклаб асл кўркини,  
Тошмоқда жомелардан аҳли имон тўлқини.**

**Юрт тинч бўлсин, яшайлик аҳил-иноқ, хотиржам,  
Ижобат қил, Аллоҳим, бу ожиз дуосин ҳам...**

**Аҳмад ҲОЖИБОЙ ўғли**



# САВДО

## Савдони бекор қилиш ҳуқуқлари

(«Ҳидоя», «Мухтасарул виқоя», «Қозихон», «Раддул мухтор» ва «Дуррул мухтор» китоблари асосида)\*

Молни кўрмай савдо қилиш (савдо жойида бўлмаган мол устидаги савдо) дуруст бўлиши учун унинг нималиги ва сифати айтилиши (масалан: «кечпишар қизил макка» деб) ё унга ишора қилиниши (масалан, мана бу оғзи боғланган қопдаги гуруч) ёки у турган жой айтилиши (масалан: «оғилдаги боқилган икки ёшли хўкиз») шарт. Бу саналган шартлардан бири бўлмасидан молни кўрмай савдо қилиш жоиз эмас.

Мазкур шартлардан бири бўлиб, молни кўрмай савдо қилинса, олувчида савдони бекор қилиш ҳуқуқи бўлади. У молни кўргач, ёқмаса, савдони бекор қилиши, молни сотувчига қайтариб бериши ё келишилган баҳода олиши мумкин. Шунингдек, у молни кўрмасдан ҳам савдони бекор қилишга ҳақли бўлади.

Аммо у молни кўрмасдан сотиб юборса, гаровга қўйса, ижарага берса, ҳадя қилиб бериб юборса, мол унинг қўлида айбли бўлиб қолса, молни кўргач, сўз ё феъл билан савдога розилигини ифодаласа, унинг бу ҳуқуқи бекор бўлади.

Молни кўрмай сотиб олган киши агар савдони бекор қилса, буни сотувчи билиши шарт бўлади. Олувчининг савдони бекор қилганини сотувчи билмаса, савдо бекор бўлган ҳисобланмайди.

Кўрмаган молини (масалан, ўзга юртда меросга олган жойини) сотган кишида савдони бекор қилиш ҳуқуқи бўлмайди.

Одатда молни сотиб олаётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам молнинг барча жойини

кўрмайди, балки уни олишдан кўзлаган мақсадига далолат қилувчи жойларини (белгиларини) кўриш билан кифояланади. Агар олувчи, савдо пайтида молни олишдан кўзлаган мақсадига далолат қиладиган жойини кўрган бўлса, савдони бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Масалан, олувчи бир турдаги нарсаларнинг намунасини кўрса (агар кўрмаганлари кўрганидан ёмон бўлмаса), мириладиган ҳайвонларнинг юзи ва сағрини кўрса, гўштга сўйиладиган ҳайвонни ушласа, насл ва сут берадиган ҳайвонни ҳамма бадани ва елинига қараса, ейиладиган нарсани татиб кўрса, ҳидланадиган нарсани ҳидласа, ишлатиладиган нарсани ишлатиб кўрса, сўнг сотиб олса, савдони бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Аммо олувчи молни кўрмай сотиб олганидан сўнг уни сотиб олишидан кўзлаган мақсадига далолат қиладиган жойини кўрса, масалан, кўрмай сотиб олган отининг юзи ва сағрига қараса, савдога сўз ё феъл билан розилигини билдирмагунча унинг савдони бекор қилиш ҳуқуқи ўз кучини йўқотмайди.

Агар молни сотиб олишга ё кўрмай сотиб олинган молни олиб келишга вакил қилинган киши молни кўриб олса, вакил қилувчида савдони бекор қилиш ҳуқуқи қолмайди.

Киши сотиб олиш мақсадида кўрган нарсасини, бир қанча муддат ўтгач, қайта кўрмай сотиб олса, савдони бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Лекин у нарса аввалги ҳолидан ўзгарган бўлса, савдони бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ҳолда сотувчи «мол аввалги ҳолидан ўзгармаган» деса, олувчи «ўзгарган» дея келишолмасалар, олувчининг

*Давоми. Олдинги қисмлар ўтган сонларда*

# ЎРТАЧА ЙЎЛНИ ТАНЛАНГИЗ

молни кўрганига кўп вақт (бир ойдан ортиқ) ўтмаган бўлса, сотувчининг сўзи, қасам ичиши билан инобатга олинади. Олувчи молни кўрмаганини даъво қилганида ҳам, қасам ичиши билан даъвоси эътиборга олинади.

Икки нарсани — бири-ни кўриб, иккинчисини кўрмай — бир жойда сотиб олган кишига уларнинг иккинчиси (кўрмагани) ёқмас ва уни қайтаришни истаса, уларнинг иккисини ҳам қайтариши керак. Бу ҳолда улардан фақат ёқмаганини қайтариши мумкин эмас.

Молни кўрмай олганда бўладиган савдони бекор қилиш ҳуқуқи савдонинг тамом бўлишини тўхтатиб туради, аммо молнинг олувчи мулкига ўтишига монеълик қилмайди. Олувчи кўрмай олган молни тасарруф қилиши мумкин. Бироқ у молни тасарруф қилиши билан унинг савдони бекор қилиш ҳуқуқи тугайди ва молнинг келишилган баҳосини (агар тўламаган бўлса) тўлаши лозим бўлади.

Кўр кишининг савдоси жоиздир ва у савдони бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Фақат у олаётганида ушлаб билинадиган нарсани ушласа, ҳидлаб билинадиган нарсани ҳидласа, татиб билинадиган нарсани татиб кўрса, ҳовлижой каби нарсаларни сотиб олганида унга уларнинг сифати тўла айтилса, савдони бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

**Муҳаммад Шариф  
ЖУМАН**

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай марҳамат қиладилар: **“Исломи дини энгил диндир, ким тоқатидан ортиқча ибодат қилса, уни давом эттиришга ожизлик қилиб қолади. Ибодатни комил қилишга ҳаракат қилинглари. Ибодатлари- нгиз учун бериладиган савобга севининглари. Тонгда, соя қайтганда ва кўёш ботганда келадиган ғайратларингизни ибодат учун ғанимат билинглари”<sup>1</sup>.**

### Шарҳи:

Ҳадиси шариф ихлос билан ибодат қилишга буюради ва нафл ибодатларни ихлосизликка ва малолиятга сабаб бўладиган даражада кўпайтирмасликка ишорат қилади.

Динимиз мусулмонларга ўзлари адо этаётган фарз ибодатларини оз санаб, кечалари ухламай нафл намозлар ўқишни, ўн минглаб, ўттиз минглаб вирд қилишни буюрмайди. Ишчиларга имом бўлган бир саҳобанинг жамоат намозида узун сураларни ўқиганини эшитганларида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга танбеҳ берган ва қисқа суралардан ўқишни буюрган эдилар. Яна бир саҳобанинг жамоат намозида узун суралар ўқишини эшитганларидан кейин: “Сизларнинг қайси бирингиз инсонларга имом бўлиб, жамоат намозини ўқисангизлар, қисқа сураларни ўқинг, чунки уларнинг орасида кексалар, заифлар, иши зарур одамлар бордир”,<sup>2</sup> деб танбеҳ берганлар. Бунинг сабаби Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)

енгилликни яхши кўрганлари ва мусулмонларга ибодатнинг энгил эканини билдиришларидир.

Бут ва санамларга сиғинувчи, бузуқ ақидаларга эргашувчи араблар Исломи дини шарофати билан покланишларининг, улфат ва муҳаббат асосларига бино қилинган бақувват ҳайъат ҳолатига келишларининг, бутун дунёга маданият ва илм дарси берарлик даражага етганларининг асосий сабаби динни ёювчи саҳобаларнинг: **“Парвардигорингизнинг йўлига (яъни, динига) инсонларни ҳикмат ва чиройли панднасиҳат билан чақиринг! Улар билан энг гўзал йўлда мужодала — мунозара қилинглари!”** (Наҳл, 126) мазмунли ояти карима ҳукмига биноан юмшоқ йўл тутганлари ва халқларни гўзал муомалалар билан ўзларига бўйин эгдириб, Исломи киргизганлари бўлди.

Ва Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Динни қулай, осон қилиб кўрсатинг, қийинлаштирманг, инсонларни кўрқитманг, динни оғир ишлардан деб гумон қилишларига сабаб бўлманг!” мазмунидаги амрларини асос қилиб ушлаганлари бўлди.

Саҳобалар ва тобеинлар динда чуқур кетишдан ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қилган амаллар равишидан ортириш ёки камайтириш каби ишлардан сақланар эдилар. Исломи дини ҳар ким англай оладиган даражада содда ва шу билан бирга, ғоятда олий бир диндир. Амаллари ва ибодатлари энгил бўлиб, зулматдаги инсоният дунёсини нур бўлиб ёритади.

(Ризоуддин ибн Фаҳриддин. “Жавомеъул калим”, 72-ҳадис, 105-бет)

<sup>1</sup>. Имом Бухорий. “Саҳиҳ”, 1 жузъ 15-бет.

<sup>2</sup>. Имом Бухорий. “Саҳиҳ”, 1 жузъ 172-бет.

# МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

## Мавлуд суҳбатлари ва фойдали танловлар

Тошкент Ислом институти-да ўқитувчи ва талабаларимиз бу йилги мавлуд ойига қизгин тайёргарлик кўришди. Ой бошидаёқ талабалар орасида беш йўналиш бўйича танловлар эълон қилинди. Жумладан, “Сийрат билимдони” танловида талабалар ўртасида Пайғамбаримиз сийратларига оид билимларини кўрикдан ўтказишди. “Расулulloҳга мактуб” танловида эса ҳар бир талаба Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) нисбатан қалбида жўш урган муҳаббати ва ҳурматини, орзу ва тилаklarини мактуб тарзида изҳор қилди. Яна бир танлов талабаларининг Расулulloҳга аталган машқлари ичидан “энг яхши шеър” ва “энг яхши мақола”ни аниқлади. “Ра-



ринчи, тўртинчи синф ва Таҳфизул Куръон бўлими талабалари иккинчи ўринни қўлга киритдилар.

\* \* \*

Маърифий суҳбатлар ҳам Расулulloҳга муҳаббат руҳини тарбиялайди. Шуни ҳисобга олиб, Ислом институти ташаббуси билан «Ўрикзор» жомеъ масжидида ушбу ойда “Муҳаббатур Росул” шиори остида ҳафтанинг ҳар душанба, пайшанба кунлари шом билан хуфтон намозлари оралиғида маърифий, илмий суҳбатлар ташкил қилинди.

Ҳар бири бир анжумандай ўтган ушбу кечаларда Исломни тўғри фаҳмлашда сийратни ўрганишнинг аҳамияти, жамият тараққиётида масжидларнинг тутган ўрни, Исро ва Меърож тарихи, Худайбия сулҳи ва ундан олинган ибратлар, Расулulloҳнинг атроф давлатларга юборган даъват мактублари, ҳижрат тарихи, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шамойиллари, Расулulloҳга му-

ҳаббат каби мавзуларда таниқли уламоларимиз, институт ўқитувчилари, шаҳримиз имомдомлалари, жумладан, мударрислар Мансурали Араббоев, Абдулазим Саидахмедов, Зуфар Шоалимов, Муҳаммадхон Убайдуллаев, Саиджамол Масаидов, Раҳматуллоҳ Сайфутдиновлар гўзал маърузалар қилдилар. Таниқли қориларимизнинг Куръон тиловатлари қалбларни яна зийнатлади. Ҳазрати Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) нисбатан муҳаббат ва ҳурматимизни кучайтирди.

## Абдурахмон ҒОҒУРОВ,

Тошкент Ислом институтининг  
маънавий-маърифий ишлар  
бўйича проректори

## Мусобақа якунланди

Алҳамдулиллаҳ, юртимизда Куръон илмини олишга шароитлар яхшиланиб, Каломulloҳга муҳаббати кучли ёшлар сони кўпаймоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси шу йилнинг 18—19 апрел кунлари Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Собитхон ҳожи” жомеъ масжидида мамлакат миқёсидаги анъанавий Куръон ўқиш мусобақалари сўнгги босқич кўрик-танловини ўтказди. Унда танловнинг вилоятлар босқичи ва Ислом ўртамахсус билим юртларида голиб бўлган қори ва қориялар иштирок этишди.

Мусобақа “Кўкалдош” мадрасаси талабаси, халқаро мусобақалар совриндори Абдуқодир қори Ҳусанов тиловати билан



сулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз учун гўзал намуна” танловида эса талабалар Расулulloҳнинг суннатлари, сийратлари, таълимот ва кўрсатмаларидан айни кунда унутганимиз, ҳаётга татбиқ этилса ислоҳ бўладиган бирор жиҳати ҳақида фикрларини билдиришди. Абдул-



## «МУҲАММАД МУРОД ЭШОН» МАСЖИДИ

Хўжайли тумани Кенагас қишлоғи марказида бир қадамжо — Муҳаммад Мурод эшон қабри ва эски тошқудук бор. Ота-боболаримизнинг эслашича, бу ерда катта мадраса-қорихона ҳам бўлган.

Муҳаммад Муроднинг бобоси Абдурахмон эшон ҳам қорихонада таълим берган. Отаси Бобониёз охунд мударрислик қилган вақтида мадраса жуда обод бўлган. Шу боис ҳижрий 1294 йили муҳаррам ойининг 16-санасида Хива хони Саид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон алоҳида ёрлик ёзиб, Бобониёз охундни юз таноб вақф ер билан сийлайди. Кўп йиллар мадраса-қорихонани Бобониёз охунднинг болалари бошқаради. Толиби илмлар Хоразмнинг кўп ерларидан келиб, катта ўғли Муҳаммад Мурод эшон (1840—1913), иккинчи ўғли Хўжамурод эшон (1863—1945) ва кенжа ўғли Юнус қори (1874—1932) қўлида таълим олишади.

Айниқса, Юнус қори эшон кўплаб мураттаб қорилар етиштирган. У ҳам 1897 йили Хивадаги Қуръон анжуманида муваффақиятли иштирок этиб, хон қўлидан тулпор ва қимматбаҳо тўн олади. 1932



йили мадраса фаолияти тўрт йилгача тўхтатиб қўйилади. Бино янги ҳукумат идорасига айлантирилади.

Муҳаммад Мурод эшон невараси Нуриддин қори совет давридаги тақиқларга қарамай, Юнус қорининг давомчиси сифатида 1946—1959 йиллар оралиғида кўплаб шогирдлар ўқитади. Улар орасидан мураттаб қорилар етишади. Шулардан бири Қозоқ махзум (Бердиқилич) бир неча йил Тошҳовуз вилояти бош имоми бўлиб ишлади.

Аллоҳнинг иродаси, мустақиллик шарофати билан Кенагас қишлоғи аҳли бир ёқадан бош чиқариб, эски мадраса ўрнида янги масжид барпо қилишди. Масжидда марҳум Қози Увайс махдум бошчилигида 1994 йили 4 февралда илк марта жума намози ўқилди. Ҳозирда жоме масжиди имом-хатиби Иброҳим Нуриддин қори ўғли ўтган устозлари йўлидан бориб, халқимиз орасида соф исломий эътиқодни тўғри тушунтириб, айниқса, ёшларимизни тўғри йўлга солишда бош-қош бўлмоқда.

Масжидда кутубхона бор. Ундан кўпчилик намозхонлар баҳраманд бўлишяпти.

**Раззоқберди ШАПИЕВ,**  
Хўжайли тумани



очилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари шайх Абдулазиз Мансур мусобақа иштирокчиларни қутлаб, уларга муваффақият тилади.

Мусобақа икки йўналишда ўтди: мураттаб қорилар орасида Қуръон ҳифзи, савти, тараннуми баҳоланган бўлса, мужаввидлар танловида қироат, тажвид қоидаларини билиш даражаси, Қуръондан ёд олгани ва савти баҳоланди.

Мураттаб қорилар йўналиши бўйича биринчи ўринни Тошкентдаги “Кўкалдош” мадрасаси талабаси Абдулборий Раҳимов, иккинчи ўринни Тошкент Ислом институти талабаси Довудхон Охунжонов, учинчи ўринни Андижон вилоятидан Убайдуллоҳ Исоқов қўлга киритди. Мураттаб қорияларни рағбатлантириш мақсадида “Ҳадичаи Кубро” аёл-қизлар мадрасаси талабалари Нафиса Зоирова билан Гулчеҳра Лутфуллаева биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Мужаввид қорилар йўналиши бўйича эса Маҳмудхон Фахриддинов (Тошкент вилояти) биринчи, “Кўкалдош” мадрасаси талабаси Каримуллоҳ Обидов иккинчи, Тошкент Ислом институти талабаси Муҳаммадий Абдурахимов учинчи ўринни эгаллашди.

Мужаввид қориялар ичидан “Жўйбори Калон” мадрасаси талабаси Шаҳноза Шоюнусова биринчи, “Ҳадичаи Кубро” мадрасаси талабаси Саодат Фойибназарова иккинчи, Тошкент Ислом институти талабаси Моҳинур Абдумаликова учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиблар махсус совға ва мукофотлар билан тақдирланишди.

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## “Миноралар соясида”



Симферопол шаҳридаги “Кабир Жомеъ” масжидида “Миноралар соясида” деб номланган фотокўргазма очилди. Уни қримтатар санъати музейи ташкил этди.

Кўргазмага қўйилган етмишдан ортиқ фотосуратда XIII—XVIII асрлар Қримда қурилган масжидлар, мадрасалар, мақбаралар акс этган.

Кўргазмада Қрим яриморотидаги Боғчасарой, Ялта, Феодосия каби тўққиз шаҳарга оид тўққизта бўлим ташкил этилган.

Музейнинг исломий санъат бўлими илмий ходими Нияра Бакирова айтишича, тарихий маълумотларга кўра, чоризм босқинига қадар Қримда 1530 та меъморий обида бўлган. Кейинчалик улар сони мунтазам камайиб боргани кузатилади.

“Кабир Жомеъ” масжиди Симферополдаги энг қадимий тарихий обидалардан бўлиб, 1508 йили қурилган.

*Islam. Ru*

## Қурилиш тўхтаб қолмайди

Россия муфтийлар кенгаши мажлислар хонасида Москва жомеъ масжидини қайта таъмирлаш ва қуриш лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди. Москва мэри Юрий Лужков бу ерда ҳозир бўлганларга қурилиш ишлари тўхтаб қолмаслиги учун шаҳар маъмурияти доимо ёрдам беришга тайёр эканини билдирди.

Жоменинг катта хонақоҳини 2008 йилнинг



кузига келиб битказиш кўзда тутилган. Унинг саҳни ўн етти минг квадрат метр бўлади. Лойиҳага кўра Москва жомеъ масжиди мажмуасининг ялпи майдони йигирма етти минг квадрат метрни ташкил этади.

*Islam.ru*

## Қория момо

Қримли Таслима Иброҳимова яқинда 110 ёшга тўлди. Унинг 12 фарзанди, 34 невараси, 45 чевараси, 6 эвараси бор. Таслима момонинг ўғли Юнус ишонч билан айтишича, онасининг узоқ умр кўриши сабабларидан бири унинг оз эмас-кўп эмас эллик йилдан буён ҳар куни Қуръони каримни ихлос билан тиловат қилишидир. Бир йилча олдин ҳам Таслима момо Китобни бемалол ўқий олар эди. Энди кўзлари хиралашиб, ёддан ўқиш усулига ўтди. Аммо кўпчилик сураларни Таслима момо ёд билади.

*Forum*

## Янги журнал

Имом Шотибий институти қошида Қуръони каримни ўрганиш ахборот маркази (Саудия Арабистони Жидда шаҳри) янги илмий журнал нашр этишни бошлади. Журнал саҳифаларида Қуръони карим тафсирлари, араб тили ва тафсирга оид илмий китобларнинг шарҳлари, институт олимларининг тадқиқотлари ҳақида мақолалар чоп этилади.

Журналнинг илк сони Саудия Арабистони Исломи ишлари, вақфлар ва исломий давлат вазири шайх Солиҳ Али Шайх ёзган сўзбоши билан очилади. Сўзбоши муаллифи Исломи ҳақидаги ҳақиқий билимларни



ёйишда Қуръони каримни ўрганиш бўйича хайрия жамиятларининг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтган.

ИНА

### Бош котибнинг айтганлари

Эрон ташқи ишлар вазирлиги сиёсий ва халқаро тадқиқотлар институтида ўтган хорижий давлатлар элчилари йиғилишида Ислом Конференцияси Ташкилоти Бош котиби Акмалиддин Эҳсонўғли: “Фарб учун Исломни англаш пайти етди”, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.



“Биз можаролар бартараф этилишига ишонамиз. Шунингдек, биз нафақат минтақада, балки бутун дунёда ҳам ҳар қандай кўпорувчилик гояларига қаршимиз, уларни кескин қоралаймиз, — деди бош котиб. — Оврпадаги иттифоқдошларимизни ҳам биз билан ҳамкорлик қилишга чақирамиз. Агар бундай ҳамкорлик йўлга қўйилмас экан, кўпорувчилар барчамизга қарши катта куч тўплаши аниқ”.

IRNA

### Демократияни тушуниш



Россия Президенти маслаҳатчиси Асламбек Аслаханов: “Америка Қўшма Штатларининг Россия ва мусулмон мамлакатларида “демократияни ривожлантириш” ҳақида босим ўтказишга ҳаққи йўқ. Бизга гўё қисқа муддат ичида фарбча “демократия”, яъни, америкача ахлоқсизликни тикиштирмоқчи”, деди Москвада ўтган матбуот анжуманида.

Унинг фикрича, демократияни қандай тараққий эттиришини ҳар бир мамлакат ўзи белгилайди.

“Россия кўпмиллатли, кўпдинли мамлакат. Ҳар бир халқнинг минг йиллик тарихий анъаналари бор”, деб таъкидлади Президент маслаҳатчиси. Шунингдек, у демократияни ривожлантириш баҳонасида мусулмон мамлакатлари ҳаётига америкача “қадрият”лар тикиштирилаётганига ҳам қарши эканини маълум қилди.

Интерфакс

### Мулоқотга чақиришди

Яқинда АҚШ конгресси вакиллар Палатаси спикери Нэнси Пелоси ва ташқи ишлар бўйича қўмита раиси Том Лантос махсус вакиллар таркибида Сурия пойтахти Дамашққа сафар қилишган эди. Улар Техронга ҳам худди шундай сафар қилишлари мумкинлигини билдиришди.



Том Лантос, агар рухсат бўлса, “эртагаёқ Эрон пойтахтига учиб кетишга тайёрман, мулоқотларни бошлаш ўта муҳимдир”, деди.

Нэнси Пелоси эса бу борада ўзини анча вазмин тутди. Аммо у ҳам мулоқотлар бошланиши муҳимлигини таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ демократик партияси етакчиларидан бири Стейни Хойер ҳам Яқин Шарққа сафари чоғида исломий ташкилотлар, шунингдек, Сурия Конгресси куйи палатаси вакиллари билан учрашган эди.

Интерфакс

### Кремл ҳудудида туялар ҳам яшаган



Москва Кремлининг куйи қисмида, Тайницкий боғида олиб борилган қадимшунослик қазилмалари натижасида ўттиздан ортиқ ёғоч уйлар ва бошқа кўп қизиқарли топилмалар қўлига киритилди.

Кремл ҳудудида ҳеч қачон бундай кенг қамровли қазилмалар ўтказилмаган эди. Бу ишлар Москва тарихини кенгроқ, чуқурроқ ўрганишда ёрдам беради.

Санъатшунос Жаннат-Сергей Маркус айтишича: “Тарихчилардан ҳеч ким шу пайтгача Кремл тарихининг мусулмонларга оид саҳифалари ҳақида лом-мим демаган. Ҳолбуки, бу ерда бир пайтлар Хон ҳовлиси (Ханское подворье) бўлгани, кейинчалик унинг ўрнида “Чудов монастыр” қурилганини ҳамма яхши билади. Энди эса Тайницкий боғида қадимшунослар туя суяқларини топишди.

Хўш, XVI—XVIII асрларда бу ерга туялар қандай қилиб келиб қолишган? Бу топилмалар Москванинг ўша асрларда ҳам жанубдаги қўшни мусулмон мамлакатлар билан савдо

ва маданий алоқалари бўлганини яққол исботлайди”.

Islam.ru

### ИКТ қўллаб-қуввади



Ислом Конференцияси Ташкилоти Ироқда тинчлик ўрнатилиши мақсадида қабул қилинган Богор қарорномасини, шунингдек, бу мамлакатга мусулмон мамлакатлари вакилларида иборат тинчликпарвар кучларни жўнатиш ҳақидаги Индонезия таклифини ҳам қўллаб-қувватлади. Бундай тинчликпарвар кучлар ҳозир Ироқда турган коалиция кўшинлари ўрнини эгаллаши керак.

ИКТ Бош котиби ёрдамчиси доктор Иззат Комил муфтий Ироқда тинчлик ўрнатиш масалаларига бағишланган анжуманда ана шу ҳақда маълум қилди.

Индонезия пойтахти Жакартадан жануброқда жойлашган Богор шаҳарчасида ўтган икки кунлик мулоқотларда иштирок этган ўн мамлакат вакиллари ироқликларни қарама-қаршиликлардан юксакроқ туришга чақиришди, АҚШ кўшинларининг Ироқдан олиб чиқиб кетилишини талаб этишди. Мазкур қарорномада барча мусулмонларни турли ёлғон, уйдирма хабарларга учмасликка чақирилган, шунингдек, террор, кўпоровчилик ва зўравонликнинг ҳар қандай кўриниши қаттиқ қораланган.

IINA

### Брунейда янги кутубхона

Брунейда энг илғор рақамли технологиялар билан жиҳозланган янги исломий кутубхона иш бошлади. Муфтийлар Давлат бошқармаси маъмурияти директори Аҳмад Бухорий айтишича: “Бруней Ислом кутубхонаси энг замонавий техника, услуб ва ёндашувлардан фойдаланган ҳолда исломий билимларни ва хабарларни жамлаш, ривожлантириш кенг тарғиб этиш билан шуғулланади”.

Ҳозир кутубхонада етмиш минг номдаги икки юз минг нусхадан ортиқ китоб тўплан-



ган. Шунингдек, элликта силсилавий нашрлар, юзта мултимедия жамланмаси, юзта манускрипт, бир юз ўттиз мингта аслидан нусха кўчирилган китоб бор. Уларнинг тўқсон фоизи араб, қолган қисми малай, инглиз ва бошқа турли тилларда чоп этилган асарлардир.

Ислом ягона рақамли кутубхона тизимини яратишдан мақсад Бруней исломий кутубхонасини электрон кутубхоналар тармоғига улашдир. Бу ният амалга ошса, миждозларга рақамли ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш имконияти туғилади.

“Ислам для всех”

### Ғаззолий китоблари рус тилида

Москвадаги “Ансор” нашриёт уйи Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Файласуфлар қарашларининг емирилиши” китобини рус тилида нашрга тайёрлади. Китоб таржимони Исмоил Попов, илмий муҳаррир Ойдин Ализода.

Мазкур китоб мундарижаси ҳужжатул Ислом Имом Ғаззолийнинг янги афлотунчи файласуфлар билан баҳс-мунозараларидан ташкил топган. Асарда қадим юнон фалсафасининг кўпгина қоидалари исломий эътиқод нуқтаи назаридан тадқиқ этилади.

“Ансор” нашриёт уйи ҳозиргача Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Қалбларнинг кашф этилиши”, “Амаллар тарозуси” ва бошқа китобларини нашрдан чиқарган.

Islam.ru

### ИКТ ядро соҳасида иккиюзлама сиёсатни танқид қилди

Ислом Конференцияси Ташкилоти Бош котиби Акмалиддин Эҳсонўгли ушбу ташкилот ядро қувватидан фойдаланиш соҳасида иккиюзлама сиёсат юритишга чек қўйиш учун жиддий киришганини маълум қилди.

Унинг фикрича, бир давлатга ядро қувватларидан фойдаланишга рухсат берилгани ҳолда бошқа мамлакатга бу имкониятни таққлаш иккиюзлама сиёсат юритишдан бошқа нарса эмас.

ИКТ бош котиби бутун Яқин Шарқни ядро куралисиз ҳудуд деб эълон қилишни таклиф этди.

IINA



## Ислом тараққиёт банки мақоми

Ислом Конференцияси Ташкилоти таъсис этган Ислом Тараққиёт банкига Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кузатувчи мақоми берилди.

БМТ Бош Ассамблеяси президенти Хайёр Халиф мазкур банк президенти Аҳмад Муҳаммад Алига бу ҳақда ёзма хабар жўнатди. Оврупа парламенти Ислом Тараққиёт банкни “ҳартомонлама ривожланган банклар” рўйхати-га киритди. Банк раҳбари фикрича, бу Оврупа иттифоқи бозорларида банк фаолияти учун янги имкониятлар очади.

ИНА

## Тариқ Рамазон “телекўприги”

Таниқли мусулмон олими, профессор, Буюк Британия ҳукумати маслаҳатчиси Тариқ Рамазон “сунъий йўл-

дош телекўприги” орқали Жоржтаун университети (АҚШ) талабаларига учта маъруза ўқиди. У тингловчиларнинг Ислом фикрига, ҳозирги замон демократик тамойилларига доир саволларига батафсил жавоблар берди.

Жоржтаун университети Беркли маркази раҳбари Томас Банхофф: “Агар биз тамаддунлараро мулоқотни йўлга қўйишни истасак, энг обрўли мусулмон арбобларининг сўзларини эшитишимиз зарур. Аммо нима учун Тариқ Рамазонга АҚШга кириш тақиқланганини биз ҳалигача тушунмаймиз”, дея таъкидлади.

IslamOnline.Com

# “ЗАФАРНОМА” САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Туркистонда ўн беш йилча ҳукмронлик қилган чоризм генерали фон Кауфман Тошкентда қозилик қилган Муҳаммад Ҳакимхўжа эшон ҳақида: “У зот Худодан бўлак ҳеч кимдан қўрқмаган ажойиб инсон эди” дея, энг зўр рақибига тан беришга мажбур бўлган. Муҳаммад Ҳакимхўжа эшон вафотидан сўнг қозикалонлик лавозими барҳам топиб, Себзор даҳа қозиси мансабини у кишининг ўғли Муҳиддинхўжа эгаллайди.

Муҳиддинхўжа ҳам маърифатпарвар, халқнинг маданиятли бўлиши ҳақида кўп қайғурувчи, илм-фанни суйган киши эди. Даврининг илгор зиёлиларидан бўлган Муҳиддинхўжанинг шахсий кутубхонасида жамланган ноёб қўлёзмалар қаторида Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” сининг жаҳонда ягона мукамал нусхаси ҳам бор эди (ундаги тўқсон саҳифадан иборат кириш қисми бошқа бирорта нусхада учрамайди). Ана шу ноёб китоб билан боғлиқ бир воқеа қозининг нечоғли маърифатли бўлганига далолатдир.

Ўша давр манбаларидан маълум бўлишича, Муҳиддинхўжа қозининг маърифатпарварлик фаолияти генерал-губернаторликка ҳам, маҳаллий мутаассибларга ҳам асло ёқмаган. 1899 йил охирларида ана шу адоват туфайли қозининг ашаддий душманлари уни бир даъвогардан катта пора олишда айбламоқчи бўлишди. Сирдарё губернатори, вилоят прокурори, шаҳар ҳокими каби мустамлакачи амалдорлар қатнашган шаҳар қозилари йиғинида шу масалани кўриб чиқишга қарор қилинади.

Йиғинга Муҳиддинхўжанинг порохўр эмаслигини исботлаш учун йигирма чоғли холис гувоҳ келади. Лекин улардан бирорта-

сининг сўзини эшитишмайди. Аксинча, Муҳиддинхўжани Каломуллоҳ билан қасам ичишга мажбурлашади. Куръон билан қасам ичиш ғоят оғир ҳол эканини, қасамхўрлик эл-юртда мақбул иш эмаслигини билган Муҳиддинхўжа йиғиланлардан холис гувоҳлар сўзини эътиборга олишни илтимос қилади. Лекин улар қасддан оёқ тираб туриб олгач, қасам ичишдан кўра туҳмат қилинган маблағни тўлашни афзал билиб, йиғинни тарк этади.

Бироқ бунча маблағни тўлашга қозининг қурби етмас эди. Шу важдан ота-боболаридан қолган ягона бойлик — каттагина ажойиб боғига ҳарбий ташкилотни ижарага қўйиб, “қарз”дан қутулмоқчи бўлади.

Орадан бир неча ой ўтиб, 1900 йилги Халқаро Париж кўрғазмасидан Муҳиддинхўжа қози номига шошилиш телеграмма келади. Унда илгарироқ қози Париж кўрғазмасига юборган Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” сининг ноёб нусхасини катта маблағ тўлаб, сотиб олишга розилик сўралган эди. Сил касали билан оғриётган, айни пайтда иқтисодий танг аҳволда турган қозига биргина ана шу қўлёзма ни сотиш кифоя қиларди. Аммо маънавий хазинанинг ноёб дурдонасини ҳеч нарсага алишмай, телеграф орқали рад жавобини беради ва қўлёзмани ўзига қайтаришларини сўрайди. Шу тариқа маърифатпарвар қози Муҳиддинхўжа соғлигини бериб, обрўйини тўкиб бўлса ҳам, “Зафарнома”ни келгуси авлодлар учун сақлаб қолади.

**Шариф ЮСУПОВ,**  
дабиётшунос ва муаррих

Манба:  
Шариф Юсупов. «Тарих ва адаб бўстони», Т., «Маънавият», 2003, 63-6.

# АБУ АЙЙУБ АНСОРИЙ

*Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қалблари соғинч, сеvgи ва орзу-умидга тўла одамлар қуршовида Мадинага кирарканлар, у зотни меҳмон қилишни хоҳлаб, туяларининг жиловидан тутишга интилганлар жуда кўп эди. Туя эса илгарилаб борарди.*

*Туя Салим ибн Авф ўғиллари уйи ёнига келганида улар туянинг жиловидан тутиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Бизникида қолинг. Биз кўпчиликмиз, кучимиз, қурол-аслаҳамиз бор», дейишди Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туянинг жиловини тутганларга бундай дер эдилар:*


— Уни ўз ихтиёрига қўйинг! Унга амр қилинган!

Туя Бани Саида, Бани Ҳорис, Ибн Ҳазрат, Бани Убай ибн Нажжор маҳаллаларидан шошмай ўтиб борарди. Барча қабила вакиллари туянинг жиловидан тутар, Пайгамбаримизнинг (алайҳиссалом) уйларида кўноқ бўлишларини, бундан севинишларини айтишар, баъзан қайсарлик ҳам қилишар эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса лабларида табассум билан уларга:

— Уни ўз эркига қўйинг! Унга амр қилинган! — дер эдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қадр-қиммати бўлсин деб кўноқ жойни тақдир ҳукмига ҳавола қилган эдилар. У жойда эса Аллоҳнинг сўзлари ва нуруни бутун дунёга ёядиган масжид қурилиши лозим. Ичкараси дунё молидан, ҳой-ҳавасидан холи бўлган, соддагина бир уй қад ростлаши керак. У ерда ҳаётнинг сўник руҳини ёритувчи, бутун кучини «Раббимиз Аллоҳ» дея имон йўлига сарфловчи, яхшилик қилиб, имонига гард юқтирмайдиган, ёмонликдан сақланадиган бир умматга Ислому шуурини улашувчи бир пайгамбар яшаши лозим эди.

Ҳа... Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу жойни тақдир измига топширган эдилар. Шу боис туянинг жилови бўш қўйилди. У зот туяни на тўхтатдилар, на ҳайдадилар. Қалбларида ёлғиз Аллоҳга илтижо, тилларида эса ушбу дуо:



«Аллоҳим! Мен учун танла ва тайинла!»

Туя Малик ибн Нажор уйи олдида чўкди. Сўнгра туриб, у ерни айланди. Кейин яна аввалги жойига қайта чўкди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хурсанд ҳолда туядан тушдилар.

Юзи қувончдан яшнаган бир мусулмон келиб, туя устидан юкини олди. Сўнг Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйига таклиф қилди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хайрли дуолар қилиб, унга розилик билдирдилар.

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туялари танлаган уйнинг бахтиёр соҳиби ким эди, биласизми? Бу саодатли инсон Малик ибн Нажорнинг набираси Холид ибн Зайд (Абу Аййуб Ансорий) эди. Абу Аййуб Бани Нажор қабиласидан эди. Расули акрамнинг боболари Абдулмутталибнинг онаси ва Ҳошимнинг завжаси Салмо Хотун ҳам Бани Нажордан бўлгани учун Пайғамбаримизга қариндошлиги бор эди.

Абу Аййуб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан илк бор учрашаётган эмасди. «Иккинчи таҳликали байъат» номи билан машҳур бўлган байъатни беришга Маккага бориб, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўнг қўлларига ўнг қўлини қўйиб байъат берган етмиш саҳоба ичида Абу Аййуб ҳам бор эди. Энди эса Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага келиб, бу ерни диннинг пойтахти қилаётган эдилар. Абу Аййубнинг уйи эса, икки олам Сарварига илк бошпана бўлаётган эди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйнинг биринчи қаватини танладилар. Аммо Абу Аййуб иккинчи қаватдаги хонасига чиқолмай титрай бошлади. У Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юқорида яшашни тасаввур ҳам қилолмасди. Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) иккинчи қаватда яшаш таклифини айтди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рози бўлдилар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжид ва унинг ёнида ўзлари учун бир хужра битгунга қадар шу ерда истиқомат қилдилар. Қурайшийлар турли қабилаларни Мадинадаги ҳижрат уйига қарши гиж-гижлаши билан баробар Абу Аййубнинг ҳам жадал кунлари бошланди. Бадра, Уҳудда, Ҳандақ ва бошқа жангларида молу жонини

Аллоҳга ва расулига фидо қилиб, қаҳрамонларча қатнашди. Ҳатто Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кийинги жангларида ҳам иштирок этди.

Абу Аййуб фақатгина битта жангга бора олмади. Фақат бир марта. Бунинг учун у жуда қаттиқ изтироб чекди.

Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу) билан Муовия ўртасида ихтилоф юзага келганида ҳеч иккиланмай Ҳазрати Алининг (розийаллоҳу анҳу) ёнидан жой олди. Чунки мусулмонлар унга байъат этишди. Халифалик Муовия қўлига ўтганида ҳам унинг қалби тақво, сабот ва зуҳд билан лиммо-лим тўлган эди.

Орадан йиллар ўтди... Қўшин Константинопол (Истанбул) томон юриш бошлади. Абу Аййуб жангда яраланди. Қўшин қўмондони уни кўришга борди. Қўмондон Язид ибн Муовия ундан:

— Эй Абу Аййуб, нима истайсан? — деб сўради.

Хўш, ўшанда нима истаганини тахмин қила оласизми?

У ўлим билан жон талашаркан, инсон ҳаёлига келмайдиган бир истакни айтди:


— Жасадимни отимга юклаб, мумкин қадар душман ичига кириб, энг узоқ жойга дафн қилинг. Сўнг қўшинимиз билан қабримдан ҳам олисроққа боринги, қабримда от туёқлари дупурини эшитиб, сизнинг зафар қозонганингизни билайин!.. Нақадар гўзал жавоб эди бу. Бу хаёлот эмасди. ҳақиқат эди. Язид Абу Аййубнинг тилагини бажарди.

Буюк саҳобанинг жасади бугунги Истанбул, аввалги Константинопол марказига кўмилди. Бу воқеа ҳижрий 50 йилда рўй берди. Ҳали мусулмонлар у ерларни тўла қўлга киритмаган бир пайтда Константинопол аҳолиси бу тупроқда ётган Абу Аййубни буюк шахс сифатида таниди. Ўша замон тарихчиларидан бири бундай ёзади: «Румеали аҳолиси унинг қабрини зиёрат қилар, ҳатто қурғоқчилик бўлган пайтлар унинг номини ўртага қўйиб Аллоҳдан ёмғир сўрашар эди...»

Абу Аййуб Ансорий (розийаллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) 155 та ҳадис ривоят қилган. У Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) эшитган ҳар бир ҳадисни ўзига шиор қилиб олар эди.

**Абдуллатиф АБДУЛЛАЕВ**

*тайёрлади.*



лар қум барханлари узра онда сонда туялар карвони ўтиб қоладиган мудроқ ва қолоқ ўлка қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Сахролар чекиниб, кўрфаз соҳилларида бир-биридан гўзал шаҳарлар

лар Қатарни минтақадаги гуллаб-яшнаган ўлкалар қаторига қўшди.

Мамлакат иқтисоди асосан нефт ва газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш асосига қурилган. Маъданли ўғит, нефт кимёси маҳсулотлари, суюлтирилган газ, цемент ишлаб чиқарадиган корхоналар бор. Ҳунармандчилик анча ривожланган. Мамлакатга ташриф буюрадиган минглаб сайёҳ хунармандлар тайёрлаган гилам, мис ас-

## ҚАТАР ДАВЛАТИ

Форс қўлтиғидаги Қатар ярим оролида жойлашган бу давлат жанубда Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари билан чегарадош. Ислом келмасидан олдин ҳозирги Қатар ҳудудида кўчманчи араб қабилалари макон тутган эди. Милодий еттинчи асрда Қатар заминига Ислом дини кириб келди. Ўн учинчи-ўн тўртинчи асрларда эса Баҳрайн амирлари Қатарни эгаллаб олишди. Орадан икки юз йил кейин Португалия босқинчилари ҳужумига учради ва бир неча йил оврупаликлар зулми остида қолди. Шундан сўнг Қатарни Усмонли салтанат португаллардан озод қилиб, ўз тасарруфига олди. 1916 йили у Британия вассали бўлиб қолди. 1971 йилга келибгина Қатар мустақилликни қўлга киритди.

1949 йили Духонда нефт конларининг ишга тушиши билан мамлакат тараққиётида янги саҳифалар очилди. Бир вақт-

*Майдони:* 11.437 кв.км.  
*Аҳолиси:* 600 минг киши  
*Пойтахти:* Доха шаҳри  
*Тузуми:* мутлоқ подшоҳлик  
*Давлат бошлиғи:* амир  
*Йирик шаҳарлари:* Духон, Умм-Саид, ал-Хойр  
*Пул бирлиги:* қатар риёли

пайдо бўлди. Хурмо ва палмалар соясидаги кўркамабинолар, тасмадек асфалт йўллар, замонавий корхона-

боблар, олтин ва кумуш тақинчоқлар ва совға буюмларни жон-жон деб сотиб олишади. Қатар деҳқонлари хурмо, буғдой, сабзавот ва маккажўхори етиштиришади. Марварид излаш, қисқичбақа ва балиқ овлаш йўлга қўйилган. Қатар четга асосан нефт сотади.

Хориждан эса оғир машинасозлик ва кимё саноати маҳсулотлари, транспорт ускуналари, қишлоқ хўжалик, чорвачилик маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат ва истеъмол молларини харид қилади. Кўпроқ Япония, АҚШ, Саудия Арабистони, Буюк Британия, Олмония, Франция, Испания билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатган.

Мамлакат аҳолисининг 40 фоизини қатарликлар (араблар), 18 фоизини покстонликлар, яна шунчасини ҳиндлар, 10 фоизини эронликлар ташкил этади. Қатарда давлат дини Ислом ҳисобланади. Мамлакат аҳолисининг 98 фо-





изи сунний мусулмонлардир. Улар асосан аҳли сунна вал жамоанинг таркибий қисми бўлган ханбалия, моликия мазҳабларига эътиқод қилишади. Булардан ташқари оз миқдорда ҳиндукийлар, яхудийлар, насронийлар ҳам бор.

Ислом мамлакат ҳаётида катта ўрин тутади. Қатар қонунчилиги шариат талабларига мослаштирилган. Дохада Ислом университети, Ислом тадқиқот маркази, кўплаб диний мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Умумараб

жанубий қисмидаги сув ўртасида барпо қилинган сунъий оролчада музейнинг янги биноси тикланмоқда. Музейнинг кўрғазма майдони беш минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Музей битгач, Яқин Шарқдаги энг гўзал бинолардан бири бўлади.

Музейнинг Ислом санъати бўлимида жаҳоннинг турли мамлакатларидан тўпланган умумий қиймати икки миллиард долларга етадиган ноёб осори-атиқалар тўпланган. Бу ерда турли кўрғазмалар, Ислом олимлари билан учрашувлар, мунозара кечалари ўтказиб турилади. Ўтган йил кузида музейда “Қуртубадан Самарқандгача” деб номланган исломий санъат асарлари кўрғазмаси ҳам очилди.


Қатарда Ислом дини адабиётларини нашр этишга ҳам алоҳида аҳамият берилляпти. Ҳар йили тафсир, ҳадис,

фиқҳ, калом илмларига, Ислом тарихи ва сийратга бағишланган ўнлаб ноёб манбалар чоп этилади. Улар орасида аждодларимизнинг илмий мероси намуналари, жумладан, Олтинхон тўранинг Қуръони карим маънолари туркча таржимаси, Имом Бухорийнинг “Ал-жомий ас-саҳиҳ”, Имом Термизийнинг “Сунан” китоблари, шунингдек, Қуръони каримнинг Қозон босма нусхаси борлиги айниқса қувонч-лидир.

**Аҳмад ТУРСУН**

Манбалар:

1. “Страны мира”, справочник. Москва, 2003 г. 187-188 стр.
2. “Атлас мира”, справочник. Москва, 2003 г.
3. “Ислом” справочник, Тошкент, ЎзСЭ, 1989 йил.
4. Интернетнинг “islam.ru”, “Islamonline” сайтлари.



“Ал-Жазира” телеканали ҳам ўз кўрсатувларини Қатардан бутун дунёга тарқатади.

Қатар пойтахти Дохадаги дунёда энг катта Ислом маданияти музейи мамлакатнинг чинакам фахрига айланган. Ҳозирда шаҳарнинг



# XIX АСР ТОШКЕНТ МАДРАСАЛАРИ



XIX асрда Тошкентда таълим-тарбия соҳаси Тошкент-Бухоро, Тошкент-Қўқон маданий-маънавий алоқалар тизимида ривожланиб борган. Бу жараёнда Тошкент мадрасалари ва мударрисларининг ўрни катта бўлгани табиий.

Туркистон генерал-губернаторлиги Маориф бошқармаси маълумотларига кўра, 1890—1893 йилларда губернаторликда жами 214 та мадраса бўлиб, шундан 21 таси Тошкентда жойлашган эди<sup>1</sup>. Чоризм истилосининг дастлабки йилларида мадрасаларда таълим ва ўқитиш ишлари анъанавий қоидалар асосида олиб борилган бўлса, кейинчалик уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва ўқув ишларини тартибга солишни ўлка маориф бошқармаси ўз қўлига олган. Бу пайтда Тошкент мадрасаларидан Абулқосимхон мадрасасида 120, Хожа Аҳрор мадрасасида 80, Бегларбеги мадрасасида 150, Кўкалдош мадрасасида 80, Шарифбой мадрасасида 20, Шукурхон мадрасасида 20 нафар талаба ўқиган. Лекин олдингидек, аксарият талабалар Тошкент мадрасалари билан қаноатланмай, Бухоро, Самарқанд, Қўқон мадрасаларида билимларини ошириб қайтганлар.

Тошкент мадрасалари тўғрисидаги архив, ўша давр матбуоти ёки ана шу йилларда Тошкентда бўлган рус ўлкашуносларининг маълумотлари, айниқса, мадрасалар сони борасида ҳар хил хабар беради. Хусусан, 1865—1868 йиллари Тошкентда бўлган А. Хорошхин «Очерки Ташкента» номли кундалигидаги маълумотда айрим мадрасаларнинг номини, вақф мулкларини келтириб ўтган бўлса, Н. Маев 1876 йили Тошкентда жами

11 та мадраса мавжудлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. «Туркестанские ведомости» газетасининг 1876 йилги 48-сонида босилган расмий маълумотда эса 13 та мадраса тилга олинган<sup>3</sup>.

Бироқ XIX асрда Тошкентда яшаб ижод қилган муаррих Муҳаммад Солиххожа эса ўзининг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Тошкентдаги 20 та мадраса тўғрисида бирмунча батафсил маълумот бериб ўтган<sup>4</sup>.

Улар орасида энг қадимийи — Хожа Аҳрор жомеъ масжидининг шимолида пишиқ гишт ва йўнилган тошдан қурилган Хожа Аҳрор мадрасаси йигирмата хужра, битта дарсхона ва масжидни ўз ичига олган.

Шайхонтохур даҳасидаги мадрасалардан бири Кўкалдошдир, Муҳаммад Солиххожанинги ёзишича, бу мадраса Бароқхоннинг ўғли Дарвишхон<sup>5</sup> томонидан бунёд этилган. 1735 йил Уфада бўлган тошкентлик савдогар Н. Алимов маълумотларига кўра, XVIII аср охирига келиб мадраса карвонсаройга айлантирилган. Тошкент тарихи тадқиқотчиларидан А. Добросмыслов Кўкалдош мадрасаси дастлаб уч қаватли, ўттиз саккизта хужрали бўлганини таъкидлайди<sup>6</sup>. Кейинчалик мадрасанинги фақат бир қавати сақланиб қолган. Муҳаммад Солиххожа Кўкалдош мадрасаси 1868 ва 1886 йилларда Тошкентда юз берган zilzilалардан қаттиқ зарар кўрганини ёзади.

Шунингдек, XIX асрнинг 30-йилларида Муҳаммад Алихон буйруғи билан бунёд этилган Азимога мадрасаси ҳам Чорсу яқинида бўлган. Лекин бу мадраса ҳақида маълумотлар жуда кам.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида батафсил тавсифланган ва энг кўп тилга олин-

ган мадраса Эшонкули додхоҳ мадрасасидир. Бу мадраса 1256 (1838) йили Тошкент ҳокими Лашкар Бегларбегининг ўғли Эшонкули додхоҳ томонидан қурдирилган бўлиб, Юнусхон мадрасасининг жануби-шарқида жойлашган ва Катта кўчага туташ бўлган. Мадраса бинолари тўрт тарафдан бир-бирига қаратиб солинган, ўртада қолган бир таноблик қадимий Лангар ҳовузи Эшонкули додхоҳ буйруғи билан текисланиб, сахнга айлантирилган. Юнусхон мадрасаси чорбоғида бир таноблик янги ҳовуз барпо қилинган. Лашкар Бегларбеги Кайковус ариғига иккита тегирмон қурдириб, уларнинг даромадини шу мадрасага вақф қилган. 1920 йил Вақф шўъбаси қармоғидаги мадрасада Муродхўжа Солиххўжа ўғли ислоҳ қилинган диний ва дунёвий дарслар ташкил этади. Харобага айланган Эшонкули додхоҳ мадрасасининг охириги қолдиқлари 1964 йилда суриб, текислаб ташланади.

Муҳаммад Солиххожа бу даҳадаги айрим мадрасалар ҳақида қисқа тўхталади. Жумладан, Юнусхон мадрасаси Юнусхон мақбараси ёнида бўлиб, пишиқ ғиштдан қурил-



<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. 47-жамғарма, 1-рўйхат, 1148-иш, 189-варақ.

<sup>2</sup> Хорошхин А. «Очерки Ташкента». Сборник статей... СПб.; 1876. с.86-92; Маев Н. «Азиатский Ташкент». СПб.; 1876. с. 263-266.

<sup>3</sup> «О школьном образовании у магометань Средней Азии» (ч.2), «Туркестанские ведомости». 1876, №48.

<sup>4</sup> «Тарихи жадидаи Тошканд». ЎзР ФАШИ қўлёзмалар хазинаси, 7791.

<sup>5</sup> Бароқхон — шайбонийлардан, 1525—1551 йилларда Тошкент, 1551-1556 йилларда Мовароуннаҳр хукмдори.

<sup>6</sup> Добросмыслов А. «Ташкент в прошлом и настоящем». Т.; 1912. с.76.

<sup>7</sup> Алачахон — Мўғулистон хони Юнусхоннинг кичик ўғли ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тоғаси (хонлик даври 1485—1502).

<sup>8</sup> Добросмыслов А. «Ташкент в прошлом и настоящем». с.21.

ганини, Юнусхон вақфга ажратган ерлар даромади ҳисобига иш юритишини, мадрасанинг Алачахон<sup>7</sup> муҳри босилган вақфнома-си бўлганини, шунингдек, Салор ариғи шарқидаги Пулемас деган жойда вақф ери бўлганини ёзади.

Қосимбой Қоратутий мадрасаси Мўғулкўча гузаридида қурилган. Биносининг икки томони айвонли, бир хонақоҳ, хужралар ва ғиштин гумбаздан иборат бўлган. Архив ҳужжатларида у «Мўғулкўча мадрасаси» деб қайд этилади ва 1871 йили қурилгани кўрсатилади. Маҳмуд дастурхончи мадрасаси эса Дегрезлар маҳалласида жойлашган. Масжиди, хужралари ва ҳовлисида ҳовузи ҳам бўлган. Маълумотларга кўра, Маҳмуд дастурхончи Қўқонда ҳам бир мадраса қурдирган. Маҳмуд дастурхончи Му-

ҳаммад Алихоннинг (1822—1841) вазири, Лашкар Бегларбегининг қалин дўсти бўлган.

Бароқхон мадрасаси эса Себзор даҳасида, Қафқол Шоший мақбараси яқинида қурилган. Кейинчалик масжидга айлантирилган. Мадраса Муҳаммад Солиххожа ёзишича, 1886 йилги зилзиладан қаттиқ зарар кўради. Мадраса, олдин ҳам бир неча бор вайрон бўлиб, қайта тикланган. Масалан, 1739 йил Тошкентда бўлган К. Миллер мадрасани бутунлай вайрон ҳолда кўрганини ёзади<sup>8</sup>. Шу сабабли бўлса керак, Муҳаммад Солиххожа Тошкент ҳокими Қаноат Оталиқ 1859 йил мадрасанинг вайрон бўлган хужралари ва ҳовлисини таъмирлаб, янги вақф мулклари ажратганини ёзади.

Муҳаммад Солиххожа 1274 (1857) йили Тошкент ҳокими Аҳмад кушбеги (1856—1857) томонидан Қафқол Шоший мақбараси жанубида, Мўйи Муборак мадрасаси қурилганини ёзади. Тарихчи ўша даврларда мадраса ўрнини аҳоли Хожа Аҳрор туғилган жой деб тушунгани боис «Хожа Аҳрор майдони» деб атаганини таъкидлайди. Асарда келтирилишича, мадрасанинг алоҳида бир гумбази бўлиб, унда Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) соч толлари — мўйи муборак сақланган.

“Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Бегларбеги мадрасаси 1838—1840 йиллари Тошкент ҳокими Лашкар Бегларбеги (XIX аср биринчи ярми) томонидан қурилган бўлиб, икки қаватли 56 хужрадан иборат бўлгани айтилади. Лашкар Бегларбеги шаҳар Регистонида қурдирган карвонсаройни ушбу мадрасага вақф қилган. Бегларбеги мадрасасининг шимол томонида — рўпарасида, катта кўча томонда Фўлодбой Тинчбофий жомеъ масжиди, шарқ томонда эса Жўбо (Эски Жўва) мавзеидаги Ўрозалибой жомеъ масжиди қад кўтариб турган.

Шунингдек, асар муаллифи Тахтапул гузарида Юнусхўжа халфа мадрасаси, Кўштут гузарида Хофиз Кўҳакий мадрасаси, Себзор даҳасида Муҳаммад Каримхўжа мадрасаси қурилганини ёзади. Хофиз Кўҳакий яқинидаги яна бир мадраса ёғочдан қурилгани учун «Мадрасаи чўбин» деб аталган. Унинг асосчиларидан Нор охунд Маллахон замонида вафот этгач, мадраса фаолияти тўхтаб қолади.

Кўкча даҳасидаги мадрасалардан бири Санчикмон маҳалласидаги Эшон Бўрихожа Санчикмоний мадрасаси бўлиб, у Кўқон хони Умархон даврида (1810—1822) пишиқ гишдан қурилган. Архив ҳужжатларида, мадраса 1820 йили қурилди, деб кўрсатилган. Бундан ташқари, Кўкча даҳасининг Пичоқчилик маҳалласида Шарафбой мадрасаси бўлган. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилишича, Тошкентда иккита Шукурхон номли



мадраса бўлиб, бири Кўкча даҳасида бозор ёнида, яна бири эса Себзор даҳасида, Тинчбоф гузарида қурилган. Кўкча даҳасида мадрасалар ҳам дарсхона, хужралар ва жума жомеъ масжидидан иборат ўртача мадрасалар бўлган.

Асарда Бешёғоч даҳасида жойлашган мадрасалар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Улардан бири Тошкент ҳокими Нормуҳаммад кушбеги (XIX аср биринчи ярми) 1832 йили Зангиота мақбараси ёнида қурдирган мадрасадир. Нормуҳаммад кушбеги бозорнинг маҳсидўзлик қисмида бино қилган карвонсаройини ушбу мадрасага вақф қилган. Бу даҳадаги яна бир мадраса Абулқосимхон Бешёғоч ҳовлиси яқинида қурдирган мадрасадир. Абулқосимхон эшон 1892 йил Тошкентда тарқалган вабо туфайли вафот этгач, мадрасада унинг ўғли Хошимхон эшон мударрислик қилади.

Хулоса қилсак, минтақанинг йирик ижтимоий-сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлган Тошкент шаҳрида ҳам ўрта асрлардан буён Самарқанд, Бухоро, Хивадаги сингари кўплаб мадрасалар фаолият юритиб келган. Лекин уларнинг аксарияти zilzilалар, турли даврларда, хусусан, собиқ совет тузумида шаҳарни кенгайтириш, таъмирлаш жараёнлари қурбони бўлади. Сақланиб қолганлари ҳам бир неча марта таъмирлаш ёки қайта қуришлар туфайли етиб келган.

**Ўктам СУЛТОНОВ,**

*Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Шарқишунослик илмий-тадқиқот институти ходими, тадқиқотчи*





### Азҳар масжиди

Қоҳирадаги оламга машҳур меъморий обидалардан бири Ал-Азҳар жомеъ масжи-

масжидидаги безаклардан фарқли ўлароқ, Азҳар нақшлари майда, бўртма ва чизиқлари аниқ белгиланган.

Ўн тўртинчи асрда масжид қошида очилган кутубхонада ҳозир олти миш мингдан зиёд китоб ва ўн беш минг қўлёзма сақланмоқда. Уларнинг кўпи Ислом ва араб шарқи тарихи ва маданиятини ўрганувчилар учун ноёб манбалар ҳисобланади.

Козим Мусо ва унинг набираси Козим Жаводнинг мақбаралари бўлган. Мазкур мақбара 1258 йили Чингизхоннинг невараси Ҳуоку қўшинлари Бағдодни эгаллаётганида қаттиқ шикастланди. 1367 йили султон Увайс ҳукмронлиги даврида мақбара биноси қайта тикланди, имом ва унинг набираси қабрига мрамар лавҳлар ўрнатилди, масжид деворига эса Қуръони карим оятлари ўйиб туширилди. Қабр устига иккита гумбаз ва осмонўпар минора тикланди.

Олтин масжид биноси ниҳоятда чиройли безатилган. Икки олтинранг гумбаз, унинг ёнида

## ДУНЁГА МАШҲУР МАСЖИДЛАР

дидир. У милодий 900-972 йилларда Миср ҳукмдори Муиззнинг саркардаси Жавҳар томонидан қурдирилган. У анъанавий лойихага биноан тикланиб, арклар билан ўралган ҳовлига улкан хонақоҳ барпо қилинган. 1468—1496 йилларда унинг минораси, масжиднинг ўзига эса тўртта қўшимча бино қурилган. Азҳарнинг янги биноси қурилишга ишлатилган нарсалари билан ҳам ажралиб туради: аввалгиси гиштдан тикланиб, устидан сувоқ қилинган бўлса, янги бино асосан тошдан тикланган эди. Ҳовли арклари ниҳоятда гўзал, ўймакор нақшлар жилоси кўзни олади. Ҳатто масжид деворига ҳам чиройли кошинлар билан нақш берилган.

Масжидга япроқ шаклидаги муҳташам арқдан кирилади. У ички томонидан бўртма безаклар, устма-уст қуббалар билан безатилган. Ибн Тулун

### Бағдоддаги олтин масжид

Милодий 750 йилгача араб ҳукмдорлари пойтахти Дамашқ бўлса, Ироқ ҳукмдорлари Басра, Куфа ёки Воситни қароргоҳ қилишган эди. Қудратли аббосийлар давлати асосчиси халифа Мансур ўша пайтда фақат от бозорлари билан танилган Бағдод қишлоғини ўзига пойтахт қилди. Кейинчалик ана шу қишлоқ Ислом дунёсининг марказига айланди, афсона ва ривоятларга мавзу бўлди, Шарқ тимсоли сифатида тан олинди. Козимайн (Икки Козим) олтин масжиди эса Бағдоднинг энг муҳташам меъморий обидасидир.

Аввалда унинг ўрнида Имом

чоғроқ тўрт минора, мажмуа атрофида эса яна тўртта баян миноранинг ҳаммаси олтин каби ялтирайди. Масжид деворлари уч томонидан юксак айвонлар



билан тўсилган, уларнинг ёғоч устунлари эса нақшинкор. Масжидга кириш айвонлари ҳам олтинранг нақши ва ойнаванд ром қилиб ишланган. Бағдоднинг машҳур хатотлари масжид деворларига Қуръони карим оятлари ва ёднома битиклар ёзишган.

# ТИБ ҲУКМЛАРИ

**Савол:** Шифокор ва ҳамшираларнинг ўз ишига лаёқатли, салоҳиятли эканига ким жавобгар?\*

**Жавоб:** Уларни ишга олган муассаса жавобгардир. Чунки Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар бирингиз ўз қўл остингиздагиларга масъулсизлар”, деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий). Агар яққа тартибда фаолият кўрсатаётган бўлса, унинг фаолиятига рухсат берган ташкилот жавобгардир.

**Савол:** Шифокор ва унинг ёрдамчилари масъулияти ва жавобгарлик даражаси ҳақида тўхталсангиз..

**Жавоб:** Ҳар бир шифокор ёки тиббиёт ходими ўзи бевосита бажарган ёки алоқадор ишига шахсан жавобгардир. Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Ким ўзича (етарли билими, тажрибаси бўлмай) табиблик қилса, зоминдир” (Ибн Можа). Жавобгарликка олиб келадиган сабабларни учга бўлиш мумкин:

1. Янглишиб қилинган хато.
2. Ўз вазифасини билмасликдан йўл қўйилган хато.
3. Атайин қилинган хато.

**Савол:** Амалиётга беморнинг ижозат бериши шарт дейилди. Ижозат ёки рухсат ҳақида сал батафсилроқ тўхталсангиз.

**Жавоб:** Дарҳақиқат, ўтказилажак амалиётга беморнинг рухсати шарт қилинган. Бемор балоғат ёшида ва ақлли бўлса, ўзи изн беради Агар у балоғат ёшига етмаган ёки

ақли ожиз бўлса, у ҳолда рухсат бериш ҳуқуқи унинг васийларига ўтади. Васийликка ҳақлилар тартиби қуйидагича:

1. Ўғиллар.
2. Ота.
3. Бобо.
4. Ака-укалар (“Ал-фатава ал-ҳиндийя”, 5/357).

Агар бемор ақлли ва балоғат ёшида бўлиб, амалиётга рухсат берса ёки бермаса, у ҳолда васийларнинг ёки қариндош-уруғларнинг сўзи аҳамиятсиз. Амалиёт айнан унинг хоҳишига кўра иш юритилади. Бериладиган рухсат эса икки хил:

1. Мутлоқ рухсат. Яъни, бемор шифокорга ўз ихтиёрини тўла топширади ва шифокор нимани лозим топса, шуни қилади.

2. Чекланган рухсат. Яъни, бемор шифокорга муайян аъзонинг устидагина амалиёт ўтказишга рухсат беради, шифокор ҳам ундан нарига ўтмайди.

Умуман, рухсатнинг қуйидаги шартлари бор:

1. Рухсат бемор ёки унинг васийи томонидан берилади.
2. Рухсат берувчи шахс мажбурланмаган, бошқа шахс томонидан босим ўтказилмаган бўлиши керак.
3. Рухсат аниқ-равшан ифодаланиши лозим.

**Савол:** Рухсат бериш беморга вожибми?

**Жавоб:** Агар ўтказилажак амалиётнинг муваффақиятли ва фойдали бўлишини ишончли шифокорлар тасдиқлашаётган бўлса, бундай амалиётга рухсат бериш беморга вожиб. Чунки у ўз жисмини, жонини сақлашга, авайлашга бу-



юрилгандир. Агар рухсат бермаса, катта гуноҳкор бўлади, лекин ўзини ўзи ўлдирган ҳисобланмайди, чунки амалиётдан келадиган наф аниқ эмас, балки тахминийдир (“Ҳошияту Ибн Обидин”, 5/296).

**Савол:** Рухсат талаб этилмайдиган фавқулодда ҳолатлар ҳам борми?

**Жавоб:** Ҳа, бор. Булар қуйидагилар:

1) Бемор ўлим ёқасида турганида, тана аъзоларидан бири нобуд бўлаётган, рухсат олишга вақт ҳам, имкон ҳам йўқ ҳолатда;

2) аниқланган касаллик тез тарқайдиган касаллик туридан бўлганида. Бунда жамият манфаати ҳисобга олиниб, амалиётга қўл урилаверади.

Ҳар икки ҳолатда шифокорнинг зудлик билан ҳаракат қилиб, бемор ҳаётини сақлаб қолиши вожиб.

**Савол:** Ортиқча бармоқларни қирқиш мумкинми?

**Жавоб:** Агар оғриқ берса, оғриқ шу аъзони олиб ташлаш билан бартараф бўладиган бўлса, бундай бармоқни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш мумкин. Чунки динимизда “Ҳар қандай зарар динимизга биноан кетказилади”, деган қоида мавжуд (“Ал-қоваид ал-фикҳийя”, 76-бет). Акс ҳолда, мумкин эмас.

**Савол:** Касалликни аниқлаш, даволаш ўта қийин бўлса, тинчлантирувчи

\*(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

**дори-дармон таъсир этмай қолса, оғриқни мияга етказувчи асаб толлари олиб ташлаш мумкинми?**

**Жавоб:** Агар бундан ўзга илож қолмаса ва бу илож келажақда оғирроқ ҳолатга олиб келмаса, рухсат этилади. Бундан ўзга жарроҳлик амалиётларини ҳам шунга таққослаш мумкин.

**Савол: Ўлган она қорнини ёриб, болани чиқариб олиш мумкинми?**

**Жавоб:** Агар ҳомила-нинг тирик экани билинса, она қорнини ёриб бўлса ҳам, болани чиқариб олиш вожиб. Чунки тирик жонни билатуриб ўлим чангалига топшириш мумкин эмас.

**Савол: Беморнинг бир жойидан иккинчи бир жойига қайсидир аъзосини кўчириб ўтказишга динимиз нима дейди?**

**Жавоб:** Агар шифокорнинг билими ва тажрибаси шу йўлни маъқул топса, бунга рухсат этилади. Модомики беморга ташқаридан ёрдам олишга рухсат бор экан, ўзи ўзига ёрдам беришига ҳам рухсат берилиши табиийдир. Бунга куйиш ҳолатларида баданнинг бир еридан куйган ерига тери олиб ўтказишни мисол қилиш мумкин.

**Савол: Тирик одамнинг баъзи аъзоларини тирик одамга кўчириб ўтказиш ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

**Жавоб:** Кўчириб ўтказилаётган аъзо инсон танасида ягона бўлса (юррак, жигар, мия), унинг кўчирилиши ўлимга олиб келиши мумкин. Аммо ўтказилаётган аъзо вазифасини бошқа аъзо бажара оладиган бўлиб, уни инсон танасидан ажратиб олиниши ўлимга олиб келмаса, бундай амалиётга баъзи шартлар билан рухсат берилади. (Мак-

ка Ислом фикҳи академияси, 1985 й.; Халқаро Ислом анжумани, Малайзия, 1969 й.) Бу шартлар қуйидагилардан иборат:

1. Аъзоси кўчирилаётган шахнинг зарар кўрмаслиги.

2. Мажбурланган бўлмаслиги, аъзони кўчиришдан бошқа ҳеч бир чора қолмаслиги.

3. Амалиётнинг муваффақиятли ўтиши илмий ва тажрибавий жиҳатдан иботланган бўлиши.

**Савол: Мия ишлашдан тўхтаган, лекин юрак ишлаётган бўлса, бундай инсон ўлган ҳисобланадими?**

**Жавоб:** Йўқ, ўлган ҳисобланмайди. Юрак уриши унинг тириклигининг белгисидир.

**Савол: Ҳайвонлар аъзосини инсонларга кўчириш жоизми?**

**Жавоб:** Аъзоси кўчириб олинаётган ҳайвон динимизда пок деб эълон қилинган ҳайвонлар туркумидан бўлса (динимиз талабларига биноан сўйилган туя, мол, қўй каби), бундай ҳайвоннинг ҳар қандай аъзосини инсонга кўчириб ўтказишга рухсат берилган. Агар аъзоси кўчириб ўтказилаётган ҳайвон динимизда пок деб айтилмаган бўлса (ўлимтиklar, чўчка, ит каби), бундай ҳайвонлар аъзосидан фойдаланиш жоиз эмас. Лекин қаттиқ зарурат бўлиб, нопок ҳайвон аъзоси ўрнини босадиган пок ҳайвон аъзоси топилмаган ҳолатда, нопок ҳайвон аъзосидан фойдаланишга рухсат берилади ("Ал-фатава ал-ҳиндийя", 5/255).

**Савол: Сунъий аъзолар ўрнатиш ҳукми қандай?**

**Жавоб:** Булар Аллоҳнинг бандаларига қилган инъомидир. Улардан бемалол фойдаланиш мумкин.

(Давоми бор)

## ҚОҲИРА АНЖУМАНИ

Шу йилнинг 27-30 март кунлари Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида «Глобаллашув шароитида Ислом оламининг муаммолари ва уларнинг ечимлари» мавзуида XIX халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманга жаҳоннинг 88 мамлакати ва 5 халқаро ташкилотидан иштирок этган вакиллар араб, инглиз, француз тилларида етмиш олти маъруза тинглашиб, муҳокама қилишди.

Конференция якунида анжуман иштирокчиларининг Қоҳира баёноти ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Мазкур анжуманда Ўзбекистон муслмонлари идораси таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими мудири Жалолдин Нуриддинов иштирок этди ва маъруза қилди. У анжуман кунлари бир қатор мамлакат намоёндалари, жумладан, Ливан қозиси, шайх Яҳё Рофизий, Азҳар дорилфунуни шайхи Муҳаммад Сайид Тантовий ҳамда Индонезия, Эрон, Италия, Греция, Россия, Озарбойжон, Қирғизистон, Тожикистон вакиллари раҳбарлари билан суҳбатлашди.

31 март куни "Дорул ифто" муфтият идорасида Миср муфтийи шайх Али Жумъа Муҳаммад қабулида бўлган Жалолдин Нуриддинов мустақиллигимиздан кейин юртимизда юз берган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапирди. Ислом Конференцияси Ташкилотининг фан, таълим ва маданият ишлари бўйича ташкилоти "АЙСЕКСО" томонидан Тошкентни Ислом маданиятининг пойтахти" деб эълон қилинганидан халқимиз жуда мамнунлигини таъкидлади. Миср муфтийини шу йилнинг ёзида Тошкентда ўтказиладиган халқаро анжуманга таклиф этди.



Абдунаби БОЙҚҶЗИЕВ

# Йўлга чиқдим излабон, асли сен кўнглимдасан

## Татаббуъ

Гар зулфининг йўлида хато кетса-кетибдир,  
Бизга қаро холидан жафо кетса-кетибдир.  
*Ҳофиз Шерозий*

Кўйингда бир муғанний  
адо кетса-кетибдир,  
Васлингни мудом излаб,  
хато кетса-кетибдир.

Хато савти барқидин  
бу очунда талотўм,  
Ой юзидин абри шарм —  
мато кетса кетибдир.

Чин ёр улдир муносиб,  
тил ёрса лабни хиёл,  
Бир ой юзлиғ тили бол  
тота кетса-кетибдир.

Дилим айтур тилима:  
маъшуқлик лофин урма,  
Ишқ сирдир, Турку Ажам,  
Хито кетса-кетибдир.

Ўзидан беҳабарлар  
осий билди, инжима,  
Сидқи имон муборақ,  
итоб кетса-кетибдир.

Бадгумонлар жаззаси —  
яхшилик қил, яхшилик,  
Яхши дилдан бу янглиғ  
хитоб кетса-кетибдир.

## Кўнглига ҳаж

(Жалолиддин Румийга назира)

Йўлга чиқдим излабон,  
асли сен кўнглимдасан,  
Васлингга еткунча юз  
қояни йиқмақ осон.

<sup>1</sup>Музайян — безалган, зийнатланган.

<sup>2</sup>Хилъат — тўн; мукофот тариқасида берилган уст кийим.

Бунча сирли битмасанг  
бағрима жамолингни,  
Жамолингни топғуча  
жон баҳридан ўтмақ осон.

Шайтон куйи авжланур  
фикратимда туну тонг,  
Бу дилни покламақдин  
Нилни қатрон этмақ осон.

Раббимо, руҳи бастим  
қил музайян<sup>1</sup>, хилъатинг<sup>2</sup>  
Этса шояд қарзими  
даргоҳинга элтмақ осон.

Йўлингда интизоринг,  
гарчи сен кўнглидасан,  
Кўнглина еткунча минг бор  
Қаъбага етмақ осон.



## Рустам ТУРСУНОВ

### Жон нақдини показа тут

Ўнг қўл меҳнат қилади,  
аммо соатни чап қўл тақади.  
*Шухрат*

Қайси бир дилда ҳидоят  
учқуни машғал ёқур,  
Мисли бургутдай самодин  
ҳар тараф зийрак боқур.  
Дейдилар: юрган дарё,  
ўлтирган мисли бўйра,  
Қай ҳовуз суви дарёдек,  
мусаффо қайнаб оқур?  
Тўғри юргил сен, кушойиш  
топгай ҳар душвор ишинг,  
Айт ахир, уста деворга  
эгри михними қоқур?  
Қанча харж этсанг билиб  
иш кўзин, келгай яна,  
Дейдилар-ку: ерни боқсанг,  
ер сени шунча боқур.  
Бор қизик ҳангомалар,  
не ажабким, сендан ҳам —  
“Ўнг қўлинг меҳнат қилар-ку,  
чап қўлинг соат тақур”.



Рустамо, тан мулкида  
жон нақдини покиза тут,  
Чунки эрта-индин албат  
Соҳиби дарча қоқур.

### Банди ишқ

Сунбулинг ёдида қалбим  
торига боғланди ишқ  
Ёки сочинг ўзи асли,  
айт, эмасму банди ишқ?  
Кўрдиму юзинг, қуёшдек  
ловиллаб ёндим шу он,  
Англадим, дунёда ҳаргиз  
йўқ олов монанди ишқ.  
Ишқ ўзи бир бахт эмасму,  
толеингдан рози бўл,  
Эй кўнгил, жабру ситам  
айласа ҳарчанди ишқ.  
Дилбарим, тарки фироқнинг  
бир иложи дард эса,  
Мен бўлай бемори шеър  
мен бўлай дардманди ишқ.  
Васли деб жон берса Рустам  
ҳажр аро тонг йўқ, ахир  
Ул бириси заҳри ишқдур,  
бул бириси қанди ишқ.

Тошкент



Абдугаффор ҚЎЗИЕВ

### Тўртликлар

\* \* \*

Ниҳол унармиди, айт,  
сойда сув югурмаса,  
Гул-чечаклар яшнардими офтоб кўрмаса?  
Не самара берар эди илм ривожи  
Унга бошчи бўлиб имон-инсоф турмаса?

\* \* \*

Бахилнинг чорбоғида меҳмон кутилмас асло,  
Қалдирғоч уя қурмас золимнинг айвониға.  
Яхшиларга йўлдош бўл, ёмонлардан қоч доим,  
Қароқчи хавф солмағай ҳаётинг карвониға.

\* \* \*

Гар ҳусну малоҳатда тенги йўқ, танҳо бўлур,  
Қаровсиз боғ тез кунда чўл бўлур, саҳро бўлур.  
Ота-она ҳурматин поймол этган одобсиз  
Дунёю охиратда хор бўлур, расво бўлур.

Тошкент

Соҳиб ҚАРО

### Саҳарларда

(Ҳазиний газалига муҳаммас)

Ўшал маҳшар кунини ўйлагил шому саҳарларда,  
Қилиб тавба, муродингни суйлагил шому саҳарларда,  
Илтижолар этиб Ҳаққа, тўймагил шому саҳарларда,  
Худонинг ёди бирла йиғлагил шому саҳарларда,  
Яқонгни чок этиб, бағринг тиглагил шому саҳарларда.

Биру Бор зикрини айтиб, сидқидилдан ибодат қил,  
Саҳарларда туриб Қуръон ўқишни яхши одат қил,  
Оят-оят тафаккур бирла ҳар дам тиловат қил,  
Фигон айлаб, гуноҳинг ваҳмидин кўрқиб, надомат қил,  
Алам ўтиға бағринг доғлагил шому саҳарларда.

Иложсиз рози бўлғайсан бу тақдирнинг қазосига,  
Бироқ тоқат қиларсанму қиёматнинг жазосига?  
Амал бирла жавоб айла Расулulloҳ нидосига,  
Аё толиб, ўзингни ташлагил Ҳақнинг ризосига,  
Риёзат пўтасини боғлагил шому саҳарларда.

Тирикликда ҳақиқатни, эҳтимол, кўзга илмассан,  
Гуноҳлар кўп қиларсан, лек учарсан, ҳеч қоқилмассан,  
Бироқ маҳшар кунини ҳолинг не бўлғай бунда билмассан,  
Аё, эй беҳабар одам, ўлумни ёд қилмассан,  
Кетар ҳешу таборинг, ўйлагил шому саҳарларда.

Бу фоний дунёдин албат, киши бир кун кетар бордур,  
Умрнинг фурсати етгач, ҳама бир-бир ўтар бордур.  
Ниҳоятким, лаҳад ичра танинг музлаб ётар бордур,  
Унутма, пулсирот отлиғ йўлингда бир хатар бордур,  
Ўтарни, эй биродарлар, кўзлагил шому саҳарларда.

Ваҳима қоплағай буткул, йўлингга бир қарай десанг,  
Гўзал ихлос-ла тоат қил, қиёматга ярай десанг,  
Гуноҳлар касридин кўрқиб, юрак-бағринг ёрай десанг,  
Жаҳаннамнинг азобидан ўзингни қутқарай десанг,  
Тилингни маъсиятдан сақлагил шому саҳарларда.

Бу дунёда нелар топдинг ёйиб бир кўзгулар қилсанг,  
Ўшал боқий ҳаётни бир тасаввур, туйғулар қилсанг,  
Нетарман охиратда деб, Соҳибо, қайғулар қилсанг,  
Ики олам муродиға етай деб орзулар қилсанг,  
Ҳазиний, роҳи Бағдод кўзлагил шому саҳарларда.

Андижон тумани



*Хурматли “Ҳидоят” журнали ходимлари! Мен журналнинг ўтган йили 10-сонида чоп этилган Сафийахон Эшон Бобохон қизининг “Бир ярим аср дин хизматида” мақоласини ўқиб қолдим. Бу хатни шу мақола сабаб йўлламоқдаман. У болалик хотираларимни эсга солди. Сафия ая билан журнал орқали бўлса-да ҳол-аҳвол сўрашиб, миннатдорлик билдиргим келди.*

## ТАБАРРУК ЖОЙЛАР ИСИНИ ТУЙДИМ

Ассалому алайкум, Сафийахон ая! Мақолангиздан жуда таъсирландим. Кўз олдимда Тошкент билан боғлиқ беғубор хотиралар — раҳматли Эшон Бобохон опоқдада, Зиёвуддинхон амакиларнинг ажиб сиймолари жонланди.

Аллоҳнинг иродаси билан отам Довудхон қори ва онам Зулфияхон аянинг кўзлари ожиз эди. Отам Иккинчи жаҳон урушидан бу кулфатга йўлиққанлар. Яхши кишиларнинг ёрдами билан бир муддат “Хаста Имом” даҳасидаги “Бароқхон” мадрасасида оилалари билан паноҳ топишган. Мен “Бароқхон”даги ҳужралардан бирида туғилганман. Ўшанда дадам севин-

ганларидан мени тўғридаги “Тилла Шайх” масжидига кўтариб чиққан ва Эшон Бобохон опоқдада менга исм қўйиб берган эканлар.

Ота-онам эртаю кеч арқон тўқишар эди. Бироқ раҳматли отам беш вақт намозни масжидда ўқирдилар.

Минг тўққиз юз эллик учинчи йил биз Ҳамза кўчасидан ҳовли олиб, “Бароқхон”дан кўчиб чиқдик. Шунда ҳам ҳар эрталаб дадамларни масжидга элтиб қўйиб, кечкурун яна олиб қайтардим.

У ерда вақтлари бўлса Эшон Бобохон опоқдада ёки Зиёвуддинхон амаки дадамга Куръонни ёдлатишар эди. Мен у вақтлар 8-10 ёшли қизча бўлганман. Бувим (онам) билан миннатдорлигимизни билдириш учун “Бизга хизмат борми?” деб



уйларингизга борар эдик. Менга онангиз: “Бу табаррук сув” деб ажиб бир сувдан ичиришар эди.

Кечкурун уйга қайтган дадам масжидда эшитиб келган ҳадисларни оқизмай-томизмай айтиб берардилар. Уларнинг маъноси менга беҳад кучли таъсир қилар, устозлари Эшон Бобохон ва Зиёвуддинхон ҳазратларига ихлосим-меҳрим ортиб борарди. Ёш эканман-да...

Дадангиз вафот қилганларидан кейин ҳам ҳар куни дуо қилардим. Дадажонимнинг кўзлари очилишини Аллоҳдан тилардим. Гоҳида шуларни энтикиб эслайман. Дадамлар анча илм олгач, ота шаҳарлари Наманганга кўчиб келдик.



## “АЛ-ИСЛОХ” ҲАҚИДА

Дадам билан кўп юрган им учунми, динимизга муҳаббатим бўлакча бўлди. Фарзандларим ҳам илмли-имонли бўлишини Яратгандан кўп сўрадим. Алҳамдулиллаҳ, бир ўғлим диний билим олишга астойдил қизиқди. Намангандаги “Мулла Қирғиз” мадрасасида ўқиди. Ҳозир шаҳримиздаги “Нақшбандий” жомеъ масжидида имом-хатиб. Қўлида ҳунари ҳам бор.

Яқинда Тошкентда малака ошириб қайтди. “Онажон, сиз айтган “Бароқхон” мадрасасида бўлдик. “Тилла шайх” масжидида жума намозини ўқидим”, деганида роса севиндим. Қадрдон, табаррук жойларнинг исини туйгандек бўлдим.

Аяжон, ёзганларимни ўқиб эҳтимол мени эсларсиз, эҳтимол хотирангиздан кўтарилгандир. Мен эса сизни, муҳтарам оилангизни доимо ҳурмат билан эсламан. Отажоним “устозим” деб эҳтиром билан тилга олган Эшон Бобоҳон опоқдада, Зиёвуддинхон амакилар ҳаққига дуои фотиҳалар қиламан. Уларнинг охираглари обод бўлсин.

Сизни дуо қилиб қолувчи

**Муҳаррам  
ДОВУДХОНОВА,**  
Наманган шаҳри

Ўзбек матбуоти тарихида “Ал-Ислох” журнали алоҳида ўрин тутади. У ойда икки марта чоп этилган бўлиб, 1915—1918 йиллар оралиғида етмиш етти сони босилиб чиққан. 1915 йил 14 январда Абдурахмон Сайёҳ ва Мунаввар қори Абдурашидхонлар ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ташкил қилинган журналнинг мақсад ва вазифалари ҳақида қуйида фикрлар берилди (2-сон):

“Ислох”и замон мусулмонларга диний, дунёвий хизмат қиладурғон мажалладур. “Ислох” мусулмонларни Китоб ва суннат тарафига чақирадурғон мажалладур. “Ислох” мусулмонларни номашру ишлардан кутқарадурғон мажалладур. “Ислох” мусулмонларни масалаи фикҳ ва эътиқоду заруриятдан хабардор қиладурғон мажалладур”<sup>1</sup>.

Журнал жамятини турли бидъат ва хурофотлардан тозалашга катта эътибор қаратди. Ўлкада миллий ғояларнинг тарқалишида асосий вазифани бажарди. “Ал-Ислох” саҳифаларида Ислом тарихи, динимиз асослари ёритиб борилди.

Журналда “Савол-жавоб” рубрика бўлган, унда асосан имон, эътиқод, шариат қонун-қоидаларига оид саволларга жавоблар ёзилган. “Имон надури” (1915, 4-сон), “Ислом надури” (1915, 4-сон), Фазлулваҳҳоб қорининг “Зарурий саволлар” (1915, 16-сон), Сидқий Хондайлиқийнинг “Йиртилган Қуръонни нима қилмоқ керак” (1916, 14-сон), Мулла Олимхоннинг “Мулла Ҳошим саволига жавоб” (1916, 8-сон), “Уламоларнинг вазифалари” (1915, 4-сон) каби мақолаларида ўша давр уламоларининг ижтимоий ҳаётга фаол муносабатлари ифодасини тошган.

Ўтмишга оид мақолаларда Ислом динимиз тарихи, пайғамбарлар, саҳобалар, тобеинлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Диний-маърифий мақолалар муаллифлари ижтимоий муаммолар ечими учун “маъруф ҳадис ва уламолар асарлари”га таянган ҳолда фикр юритишган. Масалан, Олимхон Тўра ўзининг “Урватул вусқо” номи ма-

қоласида гумон қилишнинг гуноҳ экани ҳақида фикр билдиради. Муаллиф: “Масалан, фасод ва бузуқлиги очиқ билинган кишига яхши сувратда, яъни, оқ чопон ва катта салла ила ўлгонлигига қараб, ҳусни зон қилуб уни хийла ва фасодларига ўзини гирифтор этмак дуруст эмас”; ёки бўлмаса: «бир-бирингизнинг ботиний-важҳий ҳолларингиздан жосуслик этмангизлар ва бир-бирларингиз орқаларингиздан айбжўлик этмангизлар»<sup>3</sup>, деб ёзади.

Муҳаррир Абдурахмон Сайёҳ асарлари ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Журналда унинг “Тарихи Исломи”, “Тухфатул анам тарихи Байтул ҳарам”, “Тарихи Азолатул ғайнан қиссатул Зулқарнайн”, “Танвирул аҳдоқ фи макаримул ахлоқ” каби мақолалари босилган. “Тухфатул анам тарихи Байтул ҳарам” асарида Маккаи мукарраманинг аҳволи, унинг табиати, Байтуллоҳнинг илк биноси, уни Одамнинг (алайҳиссалом) таъмирлаши, Мақоми Иброҳимнинг ободонлаштирилиши, масжиднинг минбари ҳақида мулоҳазалар баён қилинади.

Бадий адабиёт масалаларига ҳам журнал бефарқ қарамайди. Айниқса, жаҳид маърифатпарварлари бадий асарлари билан фаол иштирок этишади. Журнал саҳифаларида Ҳамза, Саидахмад Васлий, Исҳоқхон Ибрат, Камий, Сидқий Хондайлиқий, Тавалло, Зафархон Жавҳарий, Бахриддин Азмиё каби таниқли ижодкорларнинг, шунингдек, Мулла Ҳошим Ҳайратий, Шамсиддин Хоиб, Мутриб ва ижодий фаолияти шу пайтгача ўрганилмай келган бошқа кўплаб муаллифларнинг асарлари чоп этилган.

Журнал фаолияти, мазмун-моҳияти, рунлари ва муаллифлари шу пайтгача батафсил ўрганилмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири яқин кечмишда совет мафкурасининг динимизга ўта бирёқлама муносабатда бўлгандир.

**Қўлдош ПАРДАЕВ,**

Ўзбекистон Миллий университети аспиранти

<sup>1</sup>Таҳририят. “Ал-Ислох”, 1915 йил, 2-сон, 30-бет.

# МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Халқнинг халқ бўлиб, миллат бўлиб, ўз миллий қиёфасини йўқотмай сақланиб қолишида шу халқнинг тириклик ва ўлим билан боғлиқ маросимлари асосий омилардан бири ҳисобланади.

Туғилиш, уйланиш, умуман, қувончли воқеаларга бағишланадиган тадбирлар турли жойда, ҳатто муқим яшаш ўрнидан бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам ўтказилаверади. Бунда ҳар ким ўз имконияти, шароитидан келиб чиққан ҳолда, исрофга йўл қўймай иш тутгани маъқул.

Ўлим муносабати билан ўтказиладиган маросимлар марҳумнинг хотирасига ҳамда тирикларнинг инсоний бурчларига алоқадордир. Марҳум ёки марҳумани эслашдан мақсад унинг ҳаққига хайрли дуолар юбориш, халқ ибораси билан айтсак, арвоҳини шод этишдир.

Лекин, афсус, айрим жойларда ўтаётган маросим ошларига бориб қолсангиз, баъзан бўсағада кутиб олиб, кузатиб қолувчиларнинг хандон отиб қулаётганларига гувоҳ бўласиз. Хушчақчақ қиёфада ўзаро суҳбатлашаётганларини учратасиз маъраками ёки тўй бўлаётибдими, ажрата олмай қоласиз. Киши ҳамisha ўз ҳолатига, қаерда ва нима мақсадда эканига жавоб бериб, хушёр туриши керак.

Маросимлар ҳақида сўз борар экан, Президент Ислом Каримов 1999 йил 28 октябрда имзо чеккан тўй-ҳашамлар ва оилавий тантаналарни, маърака ва маросимларни ўтказиш тартиблари ҳақидаги Фармонни тилга олиб ўтиш жоиз. Бу Фармон, баъзилар юзаки тушунганларидек, тўйлар ва бошқа маросимлар ҳақида эмас, балки уларни қандай ўтказиш, меъёр ва ахлоқ-одобига риоя қилиш ҳақидадир. Масалага ана шундай ёндашиш керак. Чунки турли маросимлар ўтмишда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Улар инсониятга тоабат йўлдошдир, уларсиз инсоний турмушни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, улар тириклик гаши, одамгарчилик зийнатидир.

Маълумки, инсон хулқи табиатан тузалишдан кўра,

бузилишга кўпроқ мойил. Шунинг учун ҳам муттасил равишда одамларни шуҳратпарастлик, дабдабазолик, исрофгарчилик, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби иллатлардан қайтариб туриш керак. Меҳр-оқибат, камтаринлик, саховат, ҳалоллик каби фазилатларга чорлаб туриш лозим.

Мазкур Фармон замирида ана шундай гоё ётади. Халқимиз мамнуният ила қизгин кутиб олган бу Фармоннинг ижроси узоқ йилларга мўлжалланган. Чунки ижтимоий иллатлардан бирийўла ва дарҳол қутулиб бўлмайди, бунинг устига, ижтимоий иллатлар кўҳна ҳам, янги ҳам бўлиши, биридан қутулинса, иккинчисига тугилиш ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Юртбошимизнинг китобларидан бирида бундай ҳикматли сўз бор: “Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил”\*. Халқимизга нисбатан айтилган бу ибора замирида чуқур маъно ётади. Жамоа туйғуси бўлмаган халқда сахийлик ҳам бўлмайди. Сахийлик бўлмаган ерда ўртадан меҳр-оқибат кўтарилади. Жамоа туйғусидан саховатлилик келиб чиқади. Жамоа туйғусига мойиллик халқимизнинг биринчи фазилати десак, балки янглишмаган бўлармиз. Унинг феъл-атвори шундай, зуваласи шундай қорилган.

Дарҳақиқат, халқимиз саховатли халқ. Топганини эл-юрт олдига қўйсам дейди. Шундан завқланади, меҳмон чехрасидаги табассумдан маънавий роҳатланади. Шу боис халқимизни тўйсеварликда айблаб бўлмайди. Бундай қилсак, ўз-ўзимизни камситган бўлмаймизми? Тўйсеварликни сахийлик, саховатпешалик фазилатларидан бири, деб қараш керак. Тўй қилмаган ёки тўйга бормаган ўзбек топилмаса керак. Биз кимошдига тўй беришларни назарда тутаётганимиз йўқ, албатта. Тўю маъракаларда “мусобақа” эмас, қўлдан келганича хайр-саховат устувор бўлгани маъқул.

Тўйларимиз ўзбекларнинг кимлигини намён этувчи ўзига хос бир кўрикдир, Тўй-маъракалар шахсий иш эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, халқимизнинг миллий қиёфаси, дунёқараши,



# ИМОМ БУХОРИЙНИНГ НОЁБ АСАРИ

феъл-атвори, ўзига хос турмуш тарзи, салоҳияти, тафаккури, онги, қалби, одамгарчилиги, орзу-умидлари, фазилату камчилиги, бир сўз билан айтсак, бутун борлиги ана шу тўй-ҳашамларда, оилавий тантаналарда, маърака ва маросимларда, мар-ҳум ва марҳумаларнинг хотираларига бағишланадиган эҳсонларда яққол намоён бўлади Буларни ўзбек халқи қандай халқ эканини кўрсатувчи бир кўзгу десак бўлади. Бундаги бош омил, бош асос ўзбек халқининг азалдан жамоа туйғусига мойиллигидир.

Меҳнатдан топиб бойиган кишилар маблағларини ҳеч қачон бир-икки кунлик тўй-ҳашам ва шу каби издиҳомларга сарфлаб, елга совурмайдилар. Одатда заҳмат чекмай, нопок йўллар, усуллар билан бой бўлган кишилар исрофгарчиликка йўл қўядилар. Мўмай пул топганлар бойлигини айланма маблағ сифатида ишга солиб, бирини икки қилиш ўрнига кимошдига тўй-ҳашамларга, дабдабали маросимларга совуришлари ҳам уларнинг калтабинлигини кўрсатади. Одам қанча камўй, онгсиз бўлса, шунча мақтанчоқ бўлади.

Дастурхон ёзилган барча йигинлар — тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик белгиси. Турмушимиз янада фаровон бўла боргани сайин улар камаймайди, балки кўпаяди.

Лекин қувончли воқеаларга бағишланадиган маросимлар билан инсон вафотига оид маъракаларни бир-биридан ажратиш, ҳар бирининг ўз одоби бўлишини унутмаслик лозим.

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,**  
*санъат арбоби, ёзувчи*

Муҳаддислар султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг ҳадис илми ровийлари тарихига бағишланган учта асари бўлиб, улар “Ат-тарих ал-кабир”, “Ат-Тарих ал-авсат”, “Ат-тарих ас-сағир” каби номлар билан аталган. Ушбу мақолада олимнинг “Ат-тарих ал-авсат” (“Ўрта тарих”) асари ҳақидаги маълумотлар билан таништирамиз.

Ушбу ноёб асарни илк марта 1998 йили Саудия Арабистонининг Риёз шаҳрида саудиялик олим Муҳаммад ибн Иброҳим Луҳайдон тадқиқ қилиб, икки жилд ҳолида нашр этилди. Олим мазкур нашрга Дамашқ кутубхонасида сақланаётган Абу Муҳаммад Хаффоф Найсобурий Имом Бухорийдан ривоят қилган тўлиқ қўлёзма нусхани асос қилиб олган. Асарнинг яна бир қўлёзма нусхаси Занжавайҳ ибн Муҳаммад Найсобурий Луббод орқали етиб келган ва ҳозирда Анийза шаҳридаги Шайх Сулаймон кутубхонасида сақланмоқда. Унинг илк саҳифасига “Имом, ҳофиз, ишончли мунаққид, фақиҳ, ҳадис илмида мўминлар амири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий тасниф этган “Ат-тарих ал-авсат” дир, деб битилган.

Саудиялик олим Луҳайдон китобнинг янги нашрида асарни тўртта бўлимга бўлиб ўрганади: уч бобдан иборат муқаддимада Имом Бухорийнинг батафсил таржимаи ҳоли, ҳадис илмига доир тарих китоблари ва мазкур асар ҳақида сўз юритилади. Қолган бўлимларда

ушбу асарнинг исботи ҳақида сўз, асар ўқувчиларига чиқади-ган фойдалар, Куръон оятлари, Расулуллоҳ ҳадислари, ровийлар исми, жой номлари, мавзулар ҳақидаги маълумотлар қамраб олинган.

“Ат-тарих ал-авсат”даги мавзулар ранг-баранг. Унда Имом Бухорий Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ҳижратлари тарихи, муҳожирлар, ансорлар, тобеин ва табаъ тобеинларнинг вафоти, улардан айримларининг насаби, кунялари, ривоят қилган ҳадисларини келтирадилар. Хусусан, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пок аёллари Хадича бинти Хувайлид ва қизлари ҳақида батафсил маълумот берилган. “Вафотлар” бўлимида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳаётликларида у зотдан ҳадис ривоят қилган дастлабки муҳожирлар ва ансорларнинг ҳасби ҳоллари ҳам ўрин олган. Алоҳида мавзу билан тўғри йўлдаги халифалар Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон ва Ҳазрати Алининг халифалиги даврида дунёдан ўтган ровийлар ҳақида ҳам сўз юритилади. Хуллас, Имом Бухорийнинг “Ат-тарих ал-авсат” асари ҳадис илми соҳасидаги ноёб китоблардан бўлиб, унда олим яшаган давргача ўтган кўплаб ҳадис ровийлари — саҳобий, тобеин, табаъ тобеинларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар тўпланган.

**Нуриддин ОДИЛОВ,**  
*Тошкент Ислам университети  
II курс магистранти*

\* “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1998 йил.

Эркин МАЛИК

# ФАРЗАНДЛАР ЭҲСОНИ

Воқеъий ҳикоя

Ота кечга томон катта ўғилнинг қўлида осонгина жон берди. Майит эрталаб чиқариладиган бўлди. Фарзандларнинг олди набирали, кети икки, уч болали бўлса ҳам, шошиб қолишди. Оналари оламдан ўтганида оталари бош-қош бўлган эди, энди кимга суянишади? Яқин қариндошдан бир тоғалари, бир амакилари қолган, холос. Майит атрофида зириллаб йиғлашар экан, улар ора-сира амаки билан тоғага мўлтираб қараб қўйишар эди. Амаки анча бетоб эди. Шунга қарамай, бир қориндан таллашиб тушган жигаргўшаси бошида бир аҳволда, эзилиб ўтирарди. Унинг ҳолини тушунган тоға:

— Сиз, — деди амакининг елкасини силаб, — уйга боринг. Поччамни Аллоҳ таоло раҳматига олсин. Энди тирикларни асрашимиз керак, эртага жанозада толиқиб қолманг.

Бу гап бошқаларга ҳам айтилгандек бир муддат йиғидан тўхтаб, жимиб қолишди. Отани бутун қишлоқ танирди. Бригадир, мироб, ҳисобчи бўлиб, кўпнинг хизматини қилиб ўтган. Ёши ҳам саксондан ошди. Тоға айтмоқчи, эртага издиҳом катта бўлади. Отам ўлди деб тўкилмасдан, олд-орқани йиғиштириб олиш керак. Амаки укаларим нима деркин, дегандек, уларга кўз ташлаб олди. Ҳар бирининг кўзидан “тоғам тўғри айтяптилар” деган маънони уқиб, ўрнидан оғир қўзғолди.

— Хотиржам бўлинг, — деди тоға яна гап қўшиб, — Худо хоҳласа, акангизга жуда яхши “зиёфат” ҳозирлаймиз.

“Зиёфат” сўзи фарзандлар қулоғига ғалати эшитилди. Яна

бир муддат йиғидан тўхташди. Фарзандлар отанинг бир бор кўзини очиши учун жонларини нисор қилишга ҳам тайёр эдилар. Тоға “зиёфат” ҳозирлаймиз деяптилар, нима қилиш керак экан? Қўй сўйиш керакми, мол сўйиш керакми?

— Гап бундай, — деди тоға амакини кузатгач, жиянларига қараб, — йиғидан фойда йўқ, уни ўрнига ҳар бирингиз “Ла илаҳа иллаллоҳ” деб мингтадан таҳлил айтинглари, еттитайлар етти мингта таҳлил айтасизлар. Ўҳ-ҳў, бу отангиз учун жуда катта зиёфат...

Фарзандлар “зиёфат”нинг маънисини тушунгандек бўлишди. Улар шу топда оталари учун ўн мингталаб таҳлил айтишга ҳам тайёр эдилар. Хонага жимлик чўкди. Йиғи тўхтади. Фарзандлар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолишди. Анча фурсатдан кейин вазифани уддалаган фарзандлар “бўлдик” дегандек бирин-кетин тоғага қарашди.

Тоға мамнун бош ирғади-да, кейин жиянларига яна мингтадан таҳлил буюрди. Иккинчи мингталиқдан сўнг учинчи мингталиққа вазифа берди.

Жимлик, сокинлик, осойишталик... Гўё майит ҳам ором олар эди. Вақт тун ярмидан ўтди. Фарзандлар бажонидил учинчи мингталиқ таҳлилни ҳам охирига етказдилар.

— Баракалла, жиянларим, — деди тоға. — Таҳлилларингизни лаҳадга қўйишдан олдин отангизга ҳадя қиламиз, Худо хоҳласа, савол-жавоби осон бўлади. Энди оталарингиз тупроққа қўйилмасдан ҳал қилиб оладиган иккита масала бор. Фарзанд-

лар янада ҳушёр тортиб вужудлари қулоқ бўлиб, тоғага қарашди. — Биринчиси, мерос масаласи. Ота-онанглардан уй-жойлар мерос қолди. Гарчанд кенжатоё чироғини ёқиб ўтирган бўлса-да, мерос қизларга бир ҳиссадан, ўғилларига икки ҳиссадан қилиб бўлиниши керак. Динимиз ҳукми шу. Бўлмаса, ота-она ўтганидан кейин ака-укалар мерос таллашиб, кўп кўнгилсиз воқеалар бўляпти. Ота-она ҳам гўрида тинч ётиши керак. Хўш, бунга нима дейсизлар?

Орага баттар сукунат чўкди. Во дариг, ҳаётда бунақа гаплар ҳам бор экан-да? Ҳа, мерос тенг бўлиниши керак. Аканинг ҳақи укага, уканинг ҳақи акага ўтиб кетмаслиги керак. Адолат шуни талаб қилади.

Катта ака томоқ қириб, фикр айтган бўлди.

— Кичкина укамиз ўтираверса бўлмайдами, тоға?

— Сен ҳамманинг номидан жавоб берма. Бу сенинг истагинг, бошқалар нима дейди? Балки орангизда бошқа фикрдагилар бордир?

— Худога шукр, ҳаммамизнинг уй-жойимиз бор, — деди катта опа. Бошқалар ҳам катта ака билан, катта опа сўзларини маъқуллашди.

— Энди бундоқ, — деди тоға. — Ишни мухтасар қилишимиз керак, ҳар бирингиз Аллоҳнинг розилиги учун, менинг гувоҳлигимда, уй-жойдан тегадиган улушни укамга ҳадя қилдим, деб айтасизлар. Шунда ўрнига тушади. Акалар ва опалар овоз чиқариб улушларини ҳадя қилганларини айтишди. Кенжа ўрнидан дик этиб туриб, ака ва

опаларига таъзим қилди ва деди:

— Яхши кунларингизда хизматда бўлай.

— Балли, — деди тоға ҳам мамнун бўлиб, — бир-бирингизга бўлган меҳр-оқибатларингизни Худойим зиёда қилсин. Бу иш пишди, энди иккинчи масала. Отанинг руҳига савоби етиши учун эҳсонни қандай қиласизлар? Йиғма қилиб бир кишига топширасизларми ё бўлиб қиласизларми? Кенжатой яна дик этиб ўрнидан турди-да, шошиб деди:

— Ҳамма эҳсонни ўзим қиламан, менга қўйиб беринглар.

— Шошма, жиян, — деди тоға унга дашном берган бўлиб, — ака-опаларинг ҳам бирор сўз айтсин. Уларнинг ҳам сендан кам жойи йўқ.

Улар ҳам “нима деяпсан” дегандек кенжатойга қараб қўйишди.

— Хўп дея қолинглар, жон-акалар, жон опалар, — деб кенжатой хўнграб юборди. У анча эрка, эркалигини ўтказа оларди ҳам.

— Саломга яраша алик, — деди тоға орага тушиб, — сизлар укага марҳамат қилган эдинглар, у ҳам ўз навбатида марҳамат қилипти. Аллоҳ таоло марҳаматли бандаларини яхши кўради.

Ака-укалар кенжатойга биринчи бўлиб эҳсон қилишига изн беришди. Тоға тунни бефойда йиғи-сиғи билан эмас, ибодат билан ўтказганига хурсанд эди. Жиянларининг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатларидан боши осмонга етди. Уларни дуо қилди.

Ташқаридан одам кириб, ғас-сол келганини маълум қилди. Тоға марҳумнинг икки ўғлини ғассолга ёрдамчи қилиб, ўзи жанозага келувчиларни кутиб олиш учун ташқарига чиқди.

Ҳорун ЯҲЁ

## ҚУЁНЧАЛАР САБЗИНИ ХУШ КЎРАДИ

Азиз болажонлар! Энди қуёнлар ҳақида гаплашсак, нима дейсиз? Бу узунқулоқ мавжудотлар ҳақида уларнинг сабзини карсиллатиб ейишларидан бошқа яна нималарни биласиз? Айтарли ҳеч нарса-ни. Унда, келинг, бу жониворларнинг баъзи ғаройиб хислатларини билиб олайлик.

Мабодо қуёнга яқин бормоқчи бўлсангиз, у кўз очиб юмгунча “қуён” бўлади. Ҳатто улар озиқланиш билан банд бўлиб, ўтни чимдиб еяётганларида ҳам яқин келаётган хавфни сезиб-эшитиб туради. Узун қулоқлари шу даражада сезгирки, унча-мунча жонивор бу борада қуённинг олдига тушолмайди. Шу боис жуда паст товушларни ҳам дарҳол илғайди. Эшитилар-эшитилмас шитирлашни иллаган заҳотиёқ жуфтакни ростлаб қолади.

Катта қуёнлар 50—70 сантиметр узунликда бўлади. Қуёнларнинг орқа оёқлари олдингиларидан узун ва кучлироқ. Шу сабаб билан қуёнлар соатига 60-70 километр тезликда югуриши ва бирийўла 6 метрга сакраши мумкин. Қуёнлар шаҳар бўйлаб ўртача тезликда кетаётган машинадан тез югура олади. Барча қуёнлар шундай қобилият билан туғилади.

Аллоҳ таоло қуёнларни учқур, чопарон қилиб яратиб, уларга хавф-хатардан қутулиш имконини берган.

Нима деб ўйлайсиз, болалар, агар қуёнча бирдан тилга ки-

риб қолса: “Нимани кўпроқ хуш кўрасан?” деган саволга қандай жавоб берар эди? “Сабзини”, деган бўларди, албатта. Қизиқ, улар сабзи кўз нурини ўтқирлаштиришини қаердан билар экан?

Қуёнлар ер остида қовлаган инларида яшайди. Сабзи эса пастга қараб тўғри ўсишини яхши биласиз. Бу ҳол қуёнларнинг озиқланиши учун жуда қулай.

Аллоҳ таоло дунёдаги бор нарсаларни улардан осонлик билан фойдалана олишимизга мослаб яратган. Келинг, қишда севиб ейдиганимиз пўртаҳол (апелсин) ҳақида мулоҳаза қилиб кўрайлик. Пўртаҳол тилим-тилим бўлмаганида, уни ейиш анча қийинлашиб, эти бўтқага ўхшаб қоларди. Таркибида С дармондориси кўп бўлган, қаҳратон қиш ойларида жуда фойдали доривор мева жуда ўзига хос яратилган: унинг пуштиранг эти нафис халтача-тилимчаларга ўраб қўйилгандек гўё...

Яна қуёнчалар мавзуига қайтсак. Қуёнлар қайта ўсиб чиқаверади деган олд тишлари воситасида сабзини осонликча ғажишади.

Емиш топиш қобилиятидан ташқари Аллоҳ бу ҳайвонлар-



## Хожа Аламбардор мақбараси

Хожа Аламбардор (айрим манбаларда Хожа Аъламбардор) мақбараси Тошкентдаги машҳур зиёратгоҳлардан саналади. Бу мақбара Ислом дини арбобларидан Хожа Абдулазиз Аламбардор номи билан боғлиқ бўлиб, унинг тарихи милодий ўн биринчи асрга, Исломнинг Шош (Тошкент)да ёйилиши даврига боради. Аббосий халифалардан Мансур

юборган Ислом фотиҳлари ҳижрий 135-145 йилларда Шош (Чоч) шаҳрининг Самарқанддарвоза мавзеига келиб ўрнашган ва лашкар аламбардори (байроқдори) Хожа Абдулазиз Ислом туғини шу ерга қалаган. Кейинчалик бу жой зиёратгоҳга айланган, атрофида қабристон пайдо бўлган. Туғ қадалган жой Хожа Аламбардор қабристонининг

ўртасида. Кейинчалик бу ерга сағана қурилган.

Хожа Аламбардор янги жойларни фатҳ этиш учун йўлга чиқиб, Жанубий Қозоғистоннинг Сайрам қишлоғида ўрнашиб қолган ва вафотидан сўнг ўша ерга дафн этилган. Хожа Аламбардор мақбарасида унинг жасади йўқ, бу ердаги катта-кичик бешта қабрга бошқа фотиҳлар дафн этилган. Мақбара бир неча бор қайта тикланган. Унинг ичида ўша вақтда қўйилган Ислом байроғи ва "Аллоҳ", "Муҳаммад" сўзлари ёзилган туғи ҳамон сақланади.

## Шайх Зайниддин масжиди ва мақбараси

Шайх Зайниддин бобо милодий 1214 йили туғилган. Шошда Ислом динини ёйишда хизмати катта бўлган фозил ва солиҳ зотлардан биридир. Унинг вафотидан кейин ўн учинчи асрда Тошкент шаҳрининг ғарбидаги у дафн этилган жойда мақбара тикланди. Мақбаранинг олди пештоқли. Унинг маркази-

да Шайх Зайниддин сағанаси; бурчакларида эса атоқли олимлар, тасаввуф шайхлари дафн этилган.

XVI асрга келиб қабристон анча кенгайиб кетгач, унинг кираверишида бир масжид қурилди. Масжид бир неча бор таъмирланган. 1910 йили Иброҳим ҳожи Каримбой ўғли хо-

нақоҳ олдиға айвон ва шийпон қурдирган.

1943 йилдан буён жомеъ масжидига айланди. 1995 йилда саудиялик Абдулҳамид Қаттон ҳомийлигида бутунлай қайта қурилди. Масжиднинг умумий саҳни 700 кв.метрга етди. Масжидга турли йиллари қори Маҳдум домла, Набираҳўжа эшон, Мулла Фозил қори, Шаҳобиддин қори Маҳсумов, Пўлат қори, Минҳожиддин қори, Тоҳир қори имомлик қилган. 1983 йилдан буён Раҳматуллоҳ қори Обидов имом-хатиблик вазифасида.

га бошқа кўп хислатлар ато этганки, бу уларга душманларидан омон қолишда асқотади.

Оламда куёнларнинг алоҳида ажралиб турувчи хусусиятларга эга турлари талайгина. Масалан, аёзли ўлкаларда кун кечирувчи куёнлар қиш келганида оқ рангга "бўялади". Оқ пўстин, айниқса, қишда оч юрадиган йиртқичлар ўлжасига айланмаслик учун жуда зарур, куёнчанинг оқ либоси қорда кўринмай юришига ёрдам беради. Америка дашт куёнлари-

нинг қулоқлари жуда катта. Уларга бундай катта қулоқлар ато этилиши бежиз эмас экан: қулоқлар кенг ва катталиги сакраб-югуриб қизиган куёнларга тезроқ совиш имконини бераркан. Бу эса иссиқ иқлим шароитида жуда муҳимдир.

Аксарият жонзотлар ўзлари танлаган ҳудудда яшайди. Худди биз каби, улар ҳам ўз яқинлари билан бирга яшашни ёқтиради. Шунинг учун ҳайвонлар ва уларнинг оилалари ўз ҳудудига бегоналарни йўлатмасликка уринади.

Ҳайвонлар ўз ҳудуди чеғараларини антиқа тарзда белгилайдилар: муайян жойларда ўз ҳидларини қолдиришади. Масалан, кийиклар майсага ва ин-

гичка шохларга қатрондек ёпишқоқ, ўткир ҳидли суюқлик билан белги қўйиб кетади. Бу модда уларнинг кўзлари остидаги безлардан ажралиб чиқади. Бу эса бошқа кийикларга ҳудуднинг "хўжайини" борлигин эслатиб туради. Шимол буғуларида ҳудудни белгилаш учун суюқлик ажратувчи бундай безлар орқа оёқларнинг қуйи қисмида жойлашган. Куёнларники эса оғиз бўшлиғидадир.

Кўриб турибмиз, Аллоҳ таоло жондорларга уларнинг ҳаёти учун зарур барча хусусиятларни ато этгандир. Аллоҳнинг мавжудотлари нақадар ғаройиб, нақадар мукамал!

Раҳматуллоҳ ДОНИЁР  
тайёрлади

